

Халқ қонунни ўз таянчи, ўзини муҳофаза қилувчи девор сифатида ҳимоя қилмоғи лозим.

ГЕРАКЛИД

Сурхондарё вилояти таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Кўмитаси томонидан воҳадаги мактаб ва боғчаларда меҳнат қилаётган 533 нафар кўп болали аёлларга 800 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.



Ma'rifaat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЭИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 6 декабрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 94-95 (7290)

ҲАМКОРЛИК РИВОЖИ САРИ

Хабар қилингандек, 1 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарлари кенгашининг Минскда бўлиб ўтган йилги йилда иштирок этди.

Минск саммити МДХ доирасида айни пайтда долзарб бўлган муаммоларни ечишга бағишлангани билан эътиборлидир. Бу ерда ўтказилган Ҳамдўстлик аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши йилги йилда иштирок этди. Минск саммити МДХ доирасида айни пайтда долзарб бўлган муаммоларни ечишга бағишлангани билан эътиборлидир.

Террорчиликка қарши кураш борасидаги барча сайёҳаракатларни бирлаштириш мақсадида МДХнинг махсус маркази фаолиятини йўлга қўйиш Ҳамдўстликнинг ҳар бир давлати учун ўта муҳим масалалардан биридир. Зеро, террор бугунги кунда шунчалик кенг ва тез тарқалмоқдаки, унинг олдини олишга бир мамлакат оғирлик қилиб қолмоқда. Бундан ташқари, МДХ ҳудуди террорчилик ва экстремизмнинг асосий ўчоғларидан бири бўлиши Афғонистон билан бевоқиф чегарадош экани ҳам бу муаммага жиддий ёндашишни талаб этади.

Ҳамдўстлик аъзо давлатларнинг Аксилтеррор марказини ташкил этиш тўғрисида қарори 2000 йил 21 июнда Москвада бўлиб ўтган саммитда қабул қилинган эди. Минск учрашувидан ташқилданганидек, жорий йилда Ўзбекистоннинг жанубий, Қирғизистоннинг Тожикистон билан чегарадош ҳудудларида террорчи гуруҳлар таҳдид қилгани, шунингдек, Чеченистонда жангари тўдаларнинг ҳали янчиб ташлангани марказ фаолиятининг йўлга қўйилиши нақадар муҳимлигини яна бир бор тасдиқлади. Шу сабабли, Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарлари мазкур масалани имкони борича тезроқ ҳал этиш, марказ ишини такомиллаштириш зарур эканини алоҳида қайд этди. Минскда Аксилтеррор маркази низоми тасдиқлангани бу борада амалий қадам бўлди. Мазкур низоми марказнинг ҳар бир давлати учун ўта муҳим масалалардан биридир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон томони бу ҳужжатга шунчаки имзо чекиб қўя қолгани йўқ. У низомига ўз қарашлари ва қўшимчаларини киритилиши талаби билан чиқди. Жумладан, мазкур марказ диний экстремизмга қарши курашда ҳам иштирок этишини тақдир қилди. Зеро, ҳозир террорчилар ўз ниётларини амалга оширишда диндан ниқоб сифатида фойдаланаётгани экстремизмнинг бу кўринишига алоҳида аҳамият қаратишни талаб этади.

Ислам Каримовнинг ҳар бир хорижий таширотида мин-

тақавий хавфсизлик масаласига катта эътибор берилди. Минск учрашуви ҳам шундай музокарадан холи бўлмади. Бу ерда Ўзбекистон, Россия ва Тожикистон Президентлари иштирокида бўлиб ўтган уч томонлама мулоқотда минтақада хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш муаммоси кўтарилди. Бу муаммони ечишнинг Аксилтеррор маркази фаолияти билан боғлиқ жиҳатлари ҳам кўп. Таъкидлаш жоиз, учрашув Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновнинг илтимосига кўра бўлиб ўтди. Буни Ўзбекистоннинг бевоқиф асосида минтақада тинчликни таъминлаб бўлмаслигига яна бир ишора, дейиш мумкин. Давлатимиз таъкидлаш жоиз, учрашувда тинчликни сақлаш борасида Ўзбекистоннинг ўз қараш ва ёндашувларини батафсил баён қилди.

Ислам Каримов Минскда Россия Президенти Владимир Путин билан ҳам алоҳида учрашди. Бу мулоқотда томонлар икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, Урта Осиёнинг Афғонистон билан чегарадош ҳудудларидаги вазият билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди. В.Путин Ўзбекистон Президенти билан доимий равишда шахсий алоқада бўлиб туришга илгаридан келишиб олинганини алоҳида таъкидлар экан, мазкур учрашув ҳам ўша ахдлашувга биноан бўлаётганига эътиборни қаратди. Ўз навбатида, давлатимиз раҳбари Россия Президенти билан ҳар бир учрашуви фақат икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ва ўзаро ишончни чуқурлаштиришгагина эмас, балки турли муаммоларни ечишда ҳам катта аҳамиятга эга эканини қайд этди. Мулоқот чоғида Президентлар халқаро террорчилик ва диний эк-

стремизмга қарши икки томонлама асосда ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликда фаол курашиш зарурлигига эътибор қаратди. Ислам Каримов минтақадаги вазиятга доир ўз қарашларини баён қилди.

Ўзбекистон ва Беларусь ўртасида шу кунгача ўттиздан ортиқ ҳужжат имзоланган. Улар ҳаво транспорти, юк ташиш, контрабандага қарши кураш, маданият ва санъат соҳаларида ҳамкорлик масалаларини қамраб олади. Ислам Каримовнинг Беларусь Президенти Александр Лукашенко билан ўтказган учрашувида мавжуд икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш хусусида фикр юритилди. Президентлар, айниқса, савдо-иқтисодий муносабатларга катта эътибор қаратди.

(Давоми 2-бетда)

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

3-, 4-бетлар



ЁШ ҚАЛБЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

2-бет

Кеча Тошкентда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури: натижалар ва ислохотлар истиқболлари» мавзусида II Халқаро илмий-амалий конференция ўз ишини бошлади

Ўтган йили 15-16 декабр кунлари Тошкентда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури: ислохотлар натижалари, муаммолари ва истиқболлари» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилган эди. Икки кун давом этган анжуман ишида Ўзбекистонлик олимлар, муаллимлар, таълим тизими раҳбарлари, шунингдек, халқаро экспертлар қаторида Франция, Япония, Корея, АКШ, Германия, Англия, Россия, Таиланд, Канада, Финляндия каби давлатлардан етакчи олимлар, Ўзбекистондаги Тинчлик корпуси, Гёте институти, Франциянинг Марказий Осиё бўйича тадқиқот институти, Миср маданият маркази, ТАСИС, ОТБ лойиҳалари вакиллари ҳам иштирок этиб, республикамизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жорий қилишнинг натижалари, муаммолари ва истиқболлари билан танишган эдилар.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури: натижалар ва ислохотлар истиқболлари» мавзусидаги II Халқаро илмий-амалий конференция ана шу тақдирларнинг ишончли, десак аниқлигимиз, конференцияни анжуман таъкидлий қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов очиб, аждодларимиз мероси, қадимдан ижод қилган алломаларимиз ақл-идроки, илм-фан ироқлари ва бу йўлда учраган ҳар хил тўсиқлар ҳамда ҳозирги кун таълими хусусида батафсил сўзлади.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидхўрор Фуломов эса қатор хорижий таъкидлотлар, ўқув юртли вакиллари билан анжуман котибиятига келган табрикларни ўқиб эшиттирди.

Шунингдек, анжуманда ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги бўлими бошлиғи М.Барри Лейн, Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси К.Накаяма хоним, Пеханов номидаги Россия иқтисодий академияси президенти В.Ведяпин, бавариялик касб-хунар мутахассиси Питер Мюллер, Осиё Ривожланиш банки ваколатхонаси бошлиғи Н.Гнаев умумий ўрта, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим ислохотларини амалга оширишда Халқ таълими вазирлигининг вазифалари тўғрисида, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими Маркази раҳбари Жуманазар Хусанов ўрта махсус, касб-хунар таълими ривожланиши жараёнининг муаммолари ва истиқболлари хусусида, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жорий қилиш бўйича республика комиссияси аъзоси, педагогика фанлари доктори Шавкат Курбонов кадрлар тайёрлаш миллий

каби жамғармалар мутасаддилари сўзга чиқиб, мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга табиқ этиш борасида амалга ошириётган ижобий ишлар хусусида фикр юритдилар.

Мухбирларимиз конференция иштирокчилари билан ҳам суҳбатлашдик. Катта ислохотлар кечаётган жараёнга муносабат, табиийки, ҳар кимда ҳар хил. Лекин ана шу муносабатларнинг барчасига хос умумийлик бор: ривожланишнинг оидин йўлига чиққан Ўзбекистонда

АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИ НОМИГА ТАБРИКЛАР КЕЛДИ

Буюк Британия таълим вазирлиги Британия Кенгашининг ҳамкорлигида таълим тизими ислохотлари ва кадрлар тайёрлаш бўйича маълумотлар, кадрлар ҳамда ижобий тажрибалар алмашувини зўр қизиқиш билан амалга оширмоқда. Айни пайтда кўп нарсага эришилди, аммо келажакда қилинадиган ишларимиз ундан ҳам кўп. Нафақат таълим тизимларининг ижобий ривожланиши, балки халқларимиз ва мамлакатларимизнинг яқинлашуви асос бўладиган самарали, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг қарор топишига умид қилиб қоламиз.

Баронесса БЛЭКСТОУН, Буюк Британия таълим вазири

Хитой билан Ўзбекистон кўпминг йиллар давомида ўзининг маданияти ва тарихини ўзаро мужассамлаштириш баробарида самарали ҳамкорлик қилиб келган. Сўнгги йилларда барча соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик бўйича янги имкониятларнинг очилиши таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида илғор гоълар ва тажрибалар билан янги аламуш имкони яратмоқда. Ўзбекистондаги таълим ислохоти яқин келажакда самарали натижалар беришига ишончимиз комил.

Чэнь ЧЖИМИ, Хитой Халқ Республикаси таълим вазири

Марказимизда анча вақтдан бери Ўзбекистонда мазкур миллий дастур асосида олиб борилаётган ислохотларни диққат билан кузатиб бораёмиз. Дастур жаҳон таълими таърихида ўзининг кўп жиҳатлари билан ноёбдир. Биз уларни ўрганиш ва тарғиб қилишдан маннунимиз.

Франция таълим вазирининг ўринбосари, университет ва мактаблар ишлари бўйича миллий марказ директори

Даниел ВИТРИ, (Давоми 2-бетда)

Халқаро анжуман

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ: НАТИЖАЛАР ВА ИСЛОХОТЛАР ИСТИҚБОЛЛАРИ

Президентининг Давлат маслаҳатчиси Тўхтапулат Рискиев анжуман иштирокчиларини мазкур конференцияни ўтказиш аъзага айлана бораётгани билан кутлади. КТМД бошқичлари ҳамда конференция ораллигида амалга оширилган ишлар моҳияти ҳақида тўхталиб, излашларни янада қучайтириш лозимлигини қайд этди. Илм раванки — жамият раванкига ҳисса қўшаётганликлари учун анжуман иштирокчиларига миннатдорчилик билдирди.

натурал, Жон Хопкинс университетида (АҚШ) Фредерик Стар, Фонтис иқтисод университети ректори (Голландия) Герман Сонневелдлар сўзга чиқиб, Ўзбекистоннинг таълим соҳасидаги сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор қилдилар.

Анжуманда Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидхўрор Фуломов XXI асрдаги олий таълим ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифалари хусусида, Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев модели; илмий излашларни чуқурлаштириш борасида маърузалар қилдилар.

Кадрлар тайёрлаш сиёсати биринчи ўринга чиқди. К. НАКАЯМА хоним, Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси: —Маълумки, Японияда табиий ресурслар кам, шунинг учун биз интеллектуал ресурсларни ривожлантиришга кўтарилган илтимомиз. Шу сабабдан ҳам биз Ўзбекистонда давлатдаги таълим ислохотларида ёрдам беришга доим тайёримиз. Ишонимизки, Ўзбекистонлик ёшлар айни пайтда улар учун яратилаётган бундай

Дэвид ПАТЕН, АҚШлик мутахассиси: —Мамлакатингиздаги таълим ислохотларида қизиқувчилар сони ошяпти. Илк бошқичдаги натижалар чакки эмас. Айрим давлатларда бундай ютуқлар 5-10 йилни талаб қилган. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти кечаётган бир даврда менежмент, бизнес мутахассисликларига талаб ва эҳтиёж қучайган.

(Давоми 2-бетда)

• Олий Мажлисининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари Кўмитаси ҳамда Фидкорлар Миллий Демократик партияси ташаббуси билан Янгийўл шаҳрида «Терроризмга қарши кураш тўғрисида» ва «Мудофаа тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган сайловчилар ва фаоллар билан учрашув ўтказилди.

• Маданият ишлари вазирлиги Бухородаги Мухтор Ашрафий номидаги санъат билим юрти педагоглари ва талабаларига Япониядаги машҳур «Ямаха» фирмасида ишлаб чиқарилган замонавий овоз ёзиш студияси ускуналарини совға қилди.

• Урганч шаҳридаги юрак жаррохлиги марказида юраги туғма хаста бўлган ногирон бола устида ўтказилган операция муваффақиятли якунланди.

• НАТО бош котиби Жорж Робертсон ҳамда ушшанинг Европадаги куруллой кучлари раҳбари Жозеф Ролтсон Косового келдилар.

• Британия полицияси уч нафар десантчига икки нафар альбани ўлдирганлик юзасидан айблов эълон қилди.



ҲАМКОРЛИК РИВОЖИ САРИ

(Боши 1-бетда)

МДХ ҳудудида эркин савдо зонасини яратиш режасининг амалга оширилиши аравани уч томонга тортаётган балиқ, оққуш ва қисқичбақа туғрисидаги масалга ўхшайди. Бу йилда Божхона иттифоқи аъзо давлатлар - Россия, Қозғоғистон, Беларус, Қирғизистон ва Тожикистоннинг жорий йилда Бишкекда бўлиб ўтган учрашувида «Евроосий иқтисодий ҳамжамияти» деб аталмиш «янги тузилмани» ташкил этгани туғрисида сўз бормоқда. Гап шундаки, бу тузилманинг ҳам аслида эркин савдо зонасига ўхшашлик жиҳатлари кўп. Бироқ Евроосий иқтисодий ҳамжамиятига аъзо давлатларнинг савдо-ҳаракатлари аслида МДХ доирасида икки турдаги савдо ҳудудини вужудга келтирадиган, бу эркин савдо зонасини яратишнинг жадаллашувиға мўйин даражада тўққинлик қилиши табиий.

Минск учрашувида томонлар эркин савдо зонасининг ҳуқуқий базасини яратиш, аввало, бу борада давлатлардаги илгари қабул қилинган ҳужжатларнинг кучга киришини таъминловчи ички жараённинг бажарилишиға боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади. Эркин савдо зонасини яратиш туғрисидаги битим (1994 йил 15 апрелда имзоланган) ва унинг протоколи (1999 йил 2 апрел) кучга кириши учун зарур бўлган ички жараён Ҳамдўстлик...

нинг кўпчилик давлатларида ниҳоясига етказилган. Бироқ протоколнинг кучга киришини таъминловчи бундай жараён зонанинг энг асосий давлати - Россия Федерацияси, шунингдек, Грузияда бажарилаётган. Россиянинг бундай суҳбатлиги, табиийки, зонани яратишга катта тўсиқ бўлиб турибди. Минскда Ўзбекистон ва Россия муносабатларида мўҳим бўлган яна бир ҳужжат имзоланди. Бу ҳужжат Ўзбекистон фуқароларининг Россия ҳудудида, россияликларнинг эса мамлакатимизда визасиз ҳаракатланишини кўзда тутди. Маълумки, Россия Ҳамдўстликнинг баъзи давлатлари билан виза тизимини жорий этиш туғрисида келишувлар имзоламоқда. Бу эса азалдан борди-келдиси фаол бўлган мамлакатлар фуқаролари учун жиддий қийинчиликлар келтириб чиқариши табиий. Бироқ Ўзбекистон ва Россия ўзаро виза тизими туғрисида ҳужжат имзолаб, мавжуд алоқалар ривожига тўсиқ бўлувчи бундай жараённинг олдини олди.

Келаси йил МДХ ташкил топганиға ўн йил тўлади. Ўтган мўддат давомида тузилмаға аъзо давлатлар томонидан озилаб кўп томонлама ҳужжатлар имзоланди. Бироқ бугунға келиб улардан баъзиларининг амал қилиш мўддати тўғрисида, ижроси таъминланмади ёки уларни тўлдирувчи янги шартнома ва битимлар имзоланди. Бундай ҳужжатлар сирасига Ҳамдўстлик давлатларининг савдо-иқтисодий ҳамкорлиги соҳасидаги ўзаро муносабатларини тартибга солиш, МДХ мамлакатларининг давлат чегара-

лари ва денгиздаги иқтисодий ҳудудларни қўриқлаш ҳамда МДХнинг мудофаа масалалари бўйича олий органларнинг ваколатлари ҳақидаги, МДХға аъзо давлатлар ўртасида стратегик кучлар бўйича битимлар қиради. Шу сабабли, Минск учрашувида бу каби ўнлаб ҳужжатни бекор қилишға келишиб олинди.

Сўнгги йилларда МДХға аъзо айрим давлатларда молиявий қийинчиликлар шу даражада кенг тарқалмоқда, уларнинг илдилари базан тўғрисидаги ўша мамлакатларнинг ҳукумат идораларига бориб тақалмоқда. Бу эса коррупция ва уюшган жиноятчиликнинг олдини олишда талай қийинчиликлар тўғридаги Россияда молиявий пирамидаларнинг ўз вақтида қанчалик урчиганини эслаш кифоя. Жинсий гуруҳлар ноқонуний йўл билан топган маблағларини қонунийлаштиришда деярли қийинчилик сезамаяпти. Бу эса аҳолининг жойларда давлат идораларига бўлган ишончига катта пўтур етказмоқда. Минск учрашувида кун тартибига қўйилган масалалардан бири айнан шу иллатға қарши курашишни кўзда тутди. Мазкур ҳужжатнинг аҳамияти шундаки, эндиликда иқтисодиёт ривожига катта тўсиқ бўлиб турган бу мўҳим биргаликда ҳал қилиш учун янги имкониятлар очилади.

Анвар КАРИМОВ, Ўза махсус мухбири Тошкент-Минск-Тошкент.

(Боши 1-бетда)

Бу ўз навбатида таълим тизимини ҳаёт билан боғлаб турибди. АҚШдаги олий ўқув юртли билан солиштирганда, Ўзбекистоннинг институт ва университетларида фундаментал фанларнинг кўп қисмидаги асосий таълимнинг сифати пўхтаканча ёқилди. Менинг фикримча, бу ердаги таълим ислохотлари Ўзбекистонни дунё миқёсига чиқишға ҳар жиҳатдан тайёрлайди.

Волф Ганг ХИЛЛЕР, Мюнхен Техника Университети ректори:

—Халқаро анжуманнинг ўтказилиши ва унга дунёнинг турли давлатларидан делегациялар келиши Ўзбекистонға нисбатан эътиборнинг мавжудлиғидир. Тошкент архитектура-



КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ: НАТИЖАЛАР ВА ИСЛОХОТЛАР ИСТИҚБОЛЛАРИ

курсида институту билан ҳамкорлик ўрнатиш ниятида бу ерга ташриф бурюдик. Бу ҳамкорлик талабаларни ўқитиш, аспирантлар алмашинуви ҳамда илмий-техник ҳамкорлик бошқичларида ўз аксини топиши керак. Биз институту билан 2000-2002 йилларға мўлжалланган ҳамкорлик шартномасини имзолладик.

Шамсиддин ХИДИРОВ, Жиззах Давлат Педагогика институту маркетинг бўлими бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди:

кутилаётир. Бу ҳусусида батафсил маълумотларни газетамизнинг келгуси сонларида ёритиш ниятимиз бор.

Хулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Курбонбой МАТКУРБОНОВ, "Маърифат"нинг махсус мухбирлари

Суратларда: "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" натижалари ва ислохотлар истикболлари мавзусидаги II халқаро илмий-амалий анжуман жараёни ҳамда иштирокчилари акс этган.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар



— Катта, давомли босқичларни кўзлаган Миллий дастур ижросида тўсиқ ва муаммолар борлиғидан чўчимасак ҳам бўлади. Анжуманда ўз маърузам билан иштирок этияман: "Институтларда маркетинг хизматини ташкил этиш". Таълимдаги маркетинг хизмати ҳам талаб ва эҳтиёжни имкон қадар чуқур ўрганиши талаб этади.

Бўгун анжуман иштирокчиларининг пойтахтимиздаги улуқсиз таълим тизимининг қатор объектларига ташрифи ҳамда кўнинг иккинчи ярмида "Шератон—Тошкент" меконхонасида давра суҳбати



"БИЗ КИММИЗ?"

Ёшларни ўтмишимиз, маънавийликларимизга мувафбат руҳида тарбиялаш бугуннинг асосий мақсад ва вазифаларидан биридир. Бу борада юртимиз миқёсида олиб борилаётган сезиларли ишлар натижаларни кўриниб бормоқда. Жумладан, мана шундай хайрли ишлардан бири Ўзбекистон Республикаси "Қамолот" жамғармаси ташаббуси ва ҳомийлиги остида ташкил қилинди. "Буюк келажакка ишонч" ўқув-таълим семинари ўтказиш мақсадида "Узтелефонкомпания" ҳодимлари "Ўзбекистон" газетаси муҳбири ва ЎзМУ журналистика факультетининг бир гуруҳ талабалари Самарқанд, Бухоро сафарига жўнаб кетдилар. Самарқанддаги Имом Ал-Бухорий зиёратгоҳида "Исломот дини ва ёшлар маънавияти", Улғубек расадхонасида "Тарихий хотирасиз келажак йўқ", Бухородаги Баҳоуддин Нақшбандий мақбарасида "Исломот дини ва нақшбандийлик тарихи" ҳамда СамДУ Бухоро ДУ талабалари билан "Биз киммиз?" мавзусидаги бахшмунозара, мулоқотлар ўтказиш семинари иштирокчиларининг бош мақсадларидир. Фикри тарғиб, ўқиб қобилиятли талаба-ёшларгина буюк ўтмишимиз, мўқаддас меросларимизнинг қиммати ва моҳиятини англай оладилар. Тарихий хотирасиз келажак йўқ экан, улўғ айём кунарида уюштирилган бу сафар ҳам қўзлаган мақсад учун ўз самарасини беради, деб ўйлайман. Семинарлар ва сафар таассуротларидан оллинган лаҳзалар Ўзбекистон телевидениеси орқали эфирға узатилиши ҳам мақсаддан ҳоли эмас. Зеро, бугун Ўзбекистон ёшлари ташаббускор тенгдошларининг зиёратгоҳлар аро ташрифидан бохабар бўлинлар.

Муножат МҮМИНОВА, ЎЗМУ талабаси

ЯНГИ КОЛЛЕЖ ОЧИЛДИ

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг урни беқиссиз. Давлатимиз тараққиёти, халқимизнинг фаровонлиғи ва келажак ёшларнинг шижоати, билими, маънавий баркамоллиғи ва фаоллиғига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу боис, ҳам юртимизда юксак маърифатли, жисмонан бақувват, муносиб авлодни тарбиялашда ёшлар учун улкан имкониятлар яратилмоқда. Бир сўз билан айтганда, юртимизда қилинаётган ишлар бугунги ёшларнинг кўнрақ қилинаётгани йўқ. Балки, келажакни кўзлаб улўғ ишлар қилинаётганини ҳис қилиш мўкин.

Албатта, юртимизда мустақилликнинг дастлабки йилларида юксак баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда "Таълим туғрисида" Қонун қабул қилинди. Жойларда эса, ана шу мақсад йўлида замонавий, муҳташам иншоотлар қурилиб, фойдаланишға топширилмоқда. Жумладан, кенга Жиззах шаҳрида фойдаланишға топширилган Ўзбекистон спорт иншооти— Урта Осиёда ягона ҳисобланган—Олимпик захиралари коллежи ҳам юртимизнинг ташаббуси билан бунёд этилди. Мазкур коллежнинг қурилиши ва зарур жиҳазлар билан таъминланиши учун бир миллиард суман зиёд маблағ сарфланганининг ўзи ҳам ёшларға, қолаверса, жисмоний тарбия ва спорт ривожига, қўллас миллиятнинг, юртининг тақдирига булган эътибор, десак ҳато бўлмай-

ди. Коллеж яқин йиллар ичида ўзбек спортни дунёға ейишда, мамлакатимиз шарафини ҳимоя қила оладиган, халқаро мусобақаларда юрт бағрини баянладан кутарадиган спортчиларни тайёрлашда ўз урниға эға бўлиши, шубҳасиздир. Негаки, шу даргоҳнинг жаҳон андозаларига мос келиши, унда энг замонавий ўқув куркуллари, етқонхоналар, сузиш ва енгил атлетика, бокс, мини футбол майдончаларининг мавжудлиғи ёшларнинг барча спорт турлари бўйича билим олишлари учун муносиб замин яратди.

Мазкур иншоотнинг очилиш маросими Жиззахлик ёшларнинг ҳақиқий байрамиға айланиб кетди. Маросимда сузға чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Тўхтапулат Рискиев, Олий Мажлиснинг Ёшлар қўмитаси раиси Азамат Зие, вилоят ҳокими Шавкат Мирзиёев ва кенга жамоатчилик вакиллари ушбу коллежнинг ёшлар ҳаёти, мамлакатимиз спортни равангига қўшалган беқисс хиссаси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди. Шундан сўнг, мазкур таъбир янги коллежнинг узиди ўтқазилган катта спорт ва қушиқ байрамиға айланиб кетди. Унда мамлакатимизнинг таъриҳий спорт усталари иштирокчилиғи спорт ўйинлари, эстрада қодулар, янги йорсидаги Ватан, юртин тарануми этувчи куй ва қушиқлар янгради. Хуллас, бу кун Жиззахлик ёшларнинг ҳаётида унутилмас воқеаға айланиб қолди.

Эркин ШЕРМОНОВ

ЯНГИ ДАРСЛИК — ЯНГИ ТАЛАБЛАР

Она тили таълимининг бугунги мазмуни, ҳеч шубҳасиз айтиш мўкинки, мустақиллик йилларида олдинги даврда ўқитилган она тили дарслари мазмунидан тўздан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам ёшларимизнинг она тилининг мўқаддас қадрият сифатида ҳурмат қилиб эъозлашларини, унинг бебаҳо сўз бойлигини пўхта ўзлаштириш, тил имкониятларидан ўринли фойдаланиш, тўғри ва фойдали фикрлаш, юксак нуқтий саводхонликни эғаллашларини миллий истиқлоқ мақдураси тақозо этаётгани бежиз эмас. Шу маънодаги дарсликларнинг биринчи бўлиб она тили фанидан яратилгани бизни беҳад қувонтирди.

Синовдан муваффақиятли ўтган ва "Ўқитувчи" нашриёти (2000 йил) томонидан чоп этилган 5-синф "Она тили" дарслиғи (муаллифлар: Х.Нёметов, А.Ғуломов, М.Қодиров, М.Абдураимова) бугунги таълим мактабларига мувофиқ келиши билан биз ўқитувчилар кўтган дарслик бўлди. Дарсликдаги материаллар ўқувчиларда ижодийлик, мустақил фикрлаш, ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда тўғри, раван фойдалаш кўникмаларини ҳосил қилади. Булар, шубҳасиз, ўқувчини дарсонинг фаол иштирокчисиға айлантиради. Дарслик ўзбек тили таълимини илгаридек дедуктив усулда эмас, балки индуктив усулда олиб боришни кўзда тутгани учун ҳам, аввало, машқ ва матнлар таҳлили, грамматик хулосалар чиқаришға асос бўлади. Демак, ўқувчини тил материални таҳлил қилишға ундаш, ўқитувчи ёрдамида ўзлаштирилганларни умумлаштириш ва мустақамлаш ўқувчини ўйлашға, фикрлашға, ижод этишға мажбур қилади. Шубҳасиз, бу дарсликнинг методик жиҳатдан пўхта ишланганлиғидан далолат беради. Бундан дарслик мазмунидаги материаллар ҳам исботлайди. "Таништириш" қисмида "Тил ва жамият" матни орқали тилининг ижтимо-

Эркин ШЕРМОНОВ

ХАЛҚАРО АҲАМИЯТГА МОЛИК КИТОБ

нинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини белгиловчи кадрлар тайёрлаш сиёсатидаги ўтган қисқа давр мобайнида юртимиз ҳаётининг барча соҳалари чуқур ислоҳ қилина бошланди. Жумладан, таълим тизими ҳам. Бунинг учун жаҳоннинг илғор таърихбаларини ўзида мужассам этган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" яратилди. Дастирунинг бевосита ташаббускори булган Ўзбекистон Президентини Исмоил Каримов — "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бизнинг буюк, кучли демократик давлат ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришдек стратегик мақсадларға эришишни таъминлаш асоси бўлиши керак" — деган эди.

Яқинда БМТнинг таълим, фан, маданият ва соғлиқни сақлаш масалалари билан шуғулануви бош ташкилати ЮНЕСКО (UNESCO) томонидан "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг таркибий қисмлари, унинг ижтимоий аҳамияти, илмий асослари, амалға ошириш босқичлари—

лот томонидан эътироф этилганиди. Қолаверса, миллий моделнинг илмий-амалий жиҳатдан пўхта дастур эканиги, жамият ривожини таъминловчи омили бўла олиши нуқтани назаридан ҳар қандай мамакат учун ўзига хос ибрат намунаси сифатида тан олинishi дейиш мўкин.

Китобнинг кириш қисмида Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида танланган қатъий йўли, мақсад ва вазифалари ҳамда унга эришиш босқичлари таъйин қилиниши баён этилади.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури: XXI аср режалари" деб номланган I боьда унинг амалға ошириш босқичлари ва усуллари, объектлари, шунингдек, ҳар бир босқичнинг таркибий қисмлари ва функ-

циялари ҳусусида атрофлиқла маълумотлар берилган. II боь жамият ривожини таъминлаш шаклланишида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг устуворлигини илмий таҳлиға этишға бағишланган. Бу, ўз навбатида, мазкур китобнинг ижтимоий аҳамиятини оширадиган бўлади.

Китобнинг кириш қисмида Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида танланган қатъий йўли, мақсад ва вазифалари ҳамда унга эришиш босқичлари таъйин қилиниши баён этилади.

Ф. КАРИМОВ

циялари ҳусусида атрофлиқла маълумотлар берилган. II боь жамият ривожини таъминлаш шаклланишида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг устуворлигини илмий таҳлиға этишға бағишланган. Бу, ўз навбатида, мазкур китобнинг ижтимоий аҳамиятини оширадиган бўлади.

Китобнинг кириш қисмида Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида танланган қатъий йўли, мақсад ва вазифалари ҳамда унга эришиш босқичлари таъйин қилиниши баён этилади.

Ф. КАРИМОВ

ЁШ ҚАЛБЛАРДА БАЙРАМ ШУҚУҶИ

Шу кунларда мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида Конституция кўниға бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Кўни кеча пойтахтимизнинг Мирзо Улғубек туманидаги 142-мактабда ҳам ушбу санаға бағишланган "8 декабрь — Конституция кўни" мавзусида тадбир ўтказилди. 7-"В" синф ўқувчиси Дурдона Исахўжаеванинг "Ўзбекистон — Ватаним меним" шеърини айтиши билан бошланган йилнинг мактабининг тарих ўқитувчиси Фотима Жабборова мамлакатимизнинг давлат рамзлари ва уларнинг маънолари ҳақида маълумот бериш билан давом эттирди. Шундан сўнг мактаб раҳбари Зулфия Исмоилова йилнинг тақдир қилинган меҳмонлар — "Оқ қўрган" маҳалла раҳбарлари, мактаб ота-оналар қўмитаси аъзолари, мактабнинг фахрий ўқитувчиларини "Конституция кўни" байрами асосида ўтказилдиган синфлардаги очик дарсларға тақдир қилди. Дарсларда синф раҳбарлари ўқувчиларға

Конституция, унинг ҳаётдаги аҳамияти ҳақида гапириб бердилар. Синфларда "Сиз Қонунни биласизми?", "Биз Қонунға амал қилиб ўйлашмиз?", "Конституция — ёрқин келажак асоси" мавзусларида таҳлилий суҳбатлар уюштирилди. Синфларро ташкиллаштирилган "Конституция — ёрқин келажак асоси" деворий газеталар танловида 7-"В" синф ўқувчилари чиқарган газета биринчи ўринға лойиқ деб топилди. Юқори синфларро бўлган "Сиз Қонунни биласизми?" мусобақасида 11-синф ўқувчиси Ирода Умархўжаева, 6-7-8-синфлар ўртасида ўтказилган Конституция ҳақидаги кроссвордини тўғри ечиш танловида 6-"В" синф ўқувчиси Саид Икболлов ғолиб бўлдилар.

Дарс тўғрисида, ўқувчилар шахар бўйлаб саёҳат уюштиришиб, Олий Мажлис билоси, Амир Темура ҳайкали ва Темурийлар тарихи Давлат мўзейини томоша қилдилар.

Ш.НИШОНОВ. Суратларда: 1-бетда байрам тадбиридан лаҳзалар акс этган. Равайль АЛБЕКОВ олган суратлар

Bu sizning kitobingiz: o'qing, o'rganing, asrang-avaylang!

ий вазифаси, шахсий ҳаётдаги ўрни қизикарли савол ва топшириқлар орқали очиб берилган. Муаллифлар машқларининг ва матнларнинг ҳаётини ва қизикарли бўлишиға ҳаракат қилишган. Адабий матн ёки машқдан сўнг савол ва топшириқлар берилганиги ўқувчиларда мустақил фикрлаш, мушоҳада қилиш кўникмаларини ҳосил қилади.

Дарсликнинг энг катта ютуғи, унда ўқувчининг тафаккурини ва нутқини ривожлантиришға қаратилган ўқув топшириқларининг қўллиғи ва хил-хиллиғидир. Бошланғич синфда ўтилганларни такрорлашға қаратилган "Муқаддима", бўлимида ўзлаштирилган грамматик билимлар "Эсда тутин" ва "Билиб олин" рўқналарида берилган машқ ва топшириқларни бажариш, сўнгра бундай амалий машғулотлардан келиб чиқадиган хулосалар тарзида баён этилган илҳам ва тўшнарли қондалар ўқувчиларнинг нутқини ўстиришда қўл келлади. Дарсликда тил материалининг бу тарзда берилиши таълим жараёнининг марказига ўқувчини қўяди ва уни фаол иштирокчиға айлантиради, ўқитувчиға эса ўқувчининг дарс мавзусини ўзлаштириши, она тили имко-

ниятларидан кенгроқ фойдалана олишға қаратилган фаолиятини бошқаришға имкон беради. "Билимлар занжири", "Алишер ва бўлбул" матнлари орқали миллий-маънавий қадриятларни тушунириш, сингдириш, шунингдек: тил ҳодисаларини қиёслаш, умумийлик ва фарқларини ажрата билиш, тасниф этиш ва ҳужм чиқариш малакалари ҳосил этилади. Дарсликдаги 3-қисм — "Мустақил ва ёрдамчи сўзлар" ҳам ўзига хос тарзда ўқувчиға мослаб берилган. Бу бўлимда ўқувчиларға янги мавзуларни сингдириш билан бирға уларнинг нутқини янги мавзулар орқали ўстириш, бу мавзуларнинг ўзига хос номланиши ва муайян кетма-кетликда берилиши воситасида тавсия этилиши диққатға сазовордир. Ўқувчининг нутқини ўстиришда бундай кетма-кетлик яхши самара беришидан ташқари, аввало, тушунарли ва олдинги билимларға алоқадордир. Масалан, яқинда сўзларнинг маънодош сўзлардан олдин берилиши ўқувчининг сўзининг ҳам маъновий, ҳам вазифавий жиҳатдан фарқланишини тез ўзлаштиришға замин яратди.

Зарофат АБДУАЗИМОВА, Тошкент шаҳридаги 197-мактаб ўқитувчиси, Моҳиниса ДОРИПОВА, Фарғона вилояти, Бувайда туманидаги 39-мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси

Қонулар онаси — дондор кулмёт, Юрпда сен барҳаёт — хурлик барҳаёт!

Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусдир. Шу маънода Асосий қонунимиз ҳалқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, «Конституция» ном маънода халқимиз таваққури ва ижодининг маҳсулидир», деган эдилар Президентимиз.

Уқувчи-ёшларимизни бахтимиз Қомуси бўлган Конституция билан таништириб, улар қалбига миллий истиқлол руҳини сингдиришда асосий эътиборни нималарга қаратмоқ керак?

Конституция — жамият ҳаётининг пойдевори, мамлакатимизда қарор топган тинчлик, оқоюнлик ва миллатлараро тотувликнинг асосидир. Маълумки, ҳар қандай оқоюн жамият келажакни кўзлаб яшайди ва унинг пойдеворини имкон қадар мустаҳкамроқ қуришга ҳаракат қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, давлатимиз, жамиятимиз эришган буюк ютуқ — Ўзбекистонимизнинг Конституциясидир.

Ўзбекистон Конституциясида демократик жамиятнинг энг асосий тамойили бўлган фуқаролар тенглиги мустаҳкамланган кўйилган. Унинг 18-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий маъқулидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар», деб белгилаб қўйилган. Давлат фуқароларининг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари таъминланмоқда. Ҳар бир шахс мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, ишсизликдан ҳимояланиш, дам олиш ҳуқуқига эга ва бу ҳуқуқлардан фойдаланмоқда.

Конституцияимизнинг

асосий моҳияти унинг адолатли, ҳаётий шарт-шароитларни яратишдадир. Агар давлат, оила ва жамият мақсадлари, оддийроқ қилиб айтганда, давлат ва шахс манфаатлариға мос келмас экан, у ҳолда ривожланиш бўлмайди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқаролик жамиятининг асослари хусусий мулк, бозор иқтисоди, фикрлар хилма-хиллиги ва бошқалар билан мустаҳкамланган.

Бугун Ўзбекистон халқи улуг аждодларининг анъаналарини, урф-одатларини давом эттириб, тақдирини ўз қўлига олиб, қаддини ростлаб, эл-юртимизда оқоюнлик, барқарорликни, миллатлараро аҳиллик ва фуқаролар тотувлигини авайлаб-асраб, янги тарихий шароитда келажакни қурмоқда, миллий дав-

асрлардаёқ дунёга танилган бир давлат, катта бир миллат ғоят чиройли сўзлар билан нибобланган кўп йиллик мустамакчилик асоратидан озод бўлганини бугун ҳис этмоқда, ўзлигиға қайтмоқда, дея таъкидлайдилар Юртбошимиз.

Бош қомусимиз бизга инсон ҳуқуқларини, оқоюнлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодалайдиган, демократик, ҳуқуқий давлат қураётганимизнинг ёрқин кафолатидир. Мустақил она-ёшимизда демократик, умуминсоний тамойиллар асосида ҳуқуқий ва адолатли жамият қурилмақда.

Конституцияимизнинг асосий хусусиятларидан бири шуки, унда инсон ва унинг ҳаёти, шаъни ва қадр-қимматини энг олий қадрият, деб

G'urur

қиети инсонларнинг илму маърифатида эканлигини давр исботламоқда.

Илм бир нурдирки, у бутун умр инсон ҳаётини ёритиб туради, унга мазмун бахш этади. Бугунги ёшларимизнинг бу борада ўз одилона тушунчалари бор. Улар ҳақиқий ислом нима, Ватан нима билдилар. Чунки, ўзи туғилиб ўсган жойи шурҳратини ёйиш, ёшлиқнинг гўзал имкониятлари даврида фақат эзгу ва олийжаноб амаллар қилиш, кучини, билим ва салоҳиятини фақат савоб ишларга сарфлаш ҳар бир эркин жамият фуқаросининг қалб амри бўлмоғи лозим.

Шу ўринда Ватанимиз мустақиллигини ҳимоя этишда жон фидо этган жасур юртдошларимиз ҳақида тўхталиб ўтиш, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Ҳаётини истиқлол ҳимояси учун тиккан, номи мангуликка абадий ёзилган ёшлар ҳақида гапириб, улар жасоратини ибрат мактабига айлантириш тарбиянинг асосини ташкил этади.

Улуг аждодларимизнинг юксак ақлий туфакқури ила бунёд бўлган миллатимиз маънавиятининг улугвор қасри оқоюнлик, мустақиллик туғайли қайтадан жилоланмоқда, сайқал топмоқда. Бу улкан қасрнинг нечоғлик баланд ва пишқиллигини, буюқлигини, миллатимизнинг истеъдодли фарзандларига таъмин этади.

Салоҳиятли, уддабурон ёшлари бор миллатнинг келажак эса, Юртбошимиз айтганларидек, буюк ва шурҳратли, шавқатли бўлмоғи мукаррардир. Ёшлар тарбияси хаммаша давлатимизнинг устувор сиёсати бўлиб келаётгани ҳақида шундан далолат беради.

Башорат ОМОНОВА, РТМ "Маънавий ва кўшимча таълим" бўлими бош методисти

Maktabgacha ta'lim



Пойтахтимиздаги 551-болалар боғчисига жажжи қичкинтойларнинг ҳар томонлама соғлом, барқарор бўлиб вояга етишларига катта эътибор берилмоқда. Айни пайтда боғчада бадиий гимнастика, қаратэ, футбол, сузиш ва шашка тўғрараклари фаолият қўрсаптиб турибди. Ушбу тўғраракларнинг мунтазам ишлашига жисмоний тарбия бўйича инструктор Муаззам Эгамбердиевнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Шунингдек, масканга дилбандлар катта-кичик, узун-қисқа, йўғон-ингичка каби тушунчаларни ҳосил қилиш, уларни рангларни ажрата билшга ўргатиш ҳамда қўл-бармоқ мушқуқларини равожлантириш борасида Моншессори усулидан кенг фойдаланилмоқда.

Суратларда: ёш гимнастикачилар устози М.Эгамбердиевнинг ҳар бир машғулотидан кўп завқ-шавқ оладилар. Моҳир тарбиячи Латофат Ёқубова ижодий машғулот пайтида. **Равиль АЛБЕКОВ олган суратлар.**

Bolalar bog'chalarida

Ўз элимсан, ўз тилимсан, Ўзбекистоним ўзин! Бу жаҳонда бир қуёшдай, Бир чароғобим ўзин! Ҳалигимни ўзгаларга Кўрсапти, фахр эттириб, Янраган минг йиллар ичра Нурли достоним ўзин! Пойтахтнинг Акмал Икромов туманидаги 19-болалар боғчисининг жажжи ўғил-қизлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 8 йиллиги байрамига бағишлаб ўтказилган шодиёнада бепоён дийдоримизни ана шундай жозибали шеърлар айтаб улғуғладилар. **Кенг ва ёрғуғ зайб Ўзбекистон**

ФАОЛИЯТИМИЗ МАЗМУНИ

тон Республикаси байроғи, герби ҳамда ранг-баранг гуллар билан байрамона безатилган. Қизалоқлар миллий либос — атлас куйлак, ўғил болалар эса бекасам тўн кийиб, белбоғ боғлаб ва дўппи кийилган. Бегубор қалбларнинг севинчлари бир олам — Қомусимиз қабул қилинган кун.

Иккинчи тайёрлов гуруҳи тарбиячиси Адиба Набиева мурғак қалбларнинг ёшларига ҳақида тушунча беради.

Тантананда нуридийдалар Ватанимизни, она тилимизни, бунёдкор халқимизни мадҳ этувчи шеър, ашулалар айтаб, рақоға тушидилар. Шодиёна сўнгига Ўзбекистон болалари тинч, оқоюнлик яшаётганликлари, Ватанимиз тинчлигини асраш лозимлиги ҳақида композиция намойиш қилинди.

Қизқарлиқ ўтган байрам таассуроти ота-онани, меҳмонлар ва айниқса, бегубор қалбларда узоқ сақланиб қолиши табиий.

Дилбар ХҲЖАЕВА

КОНСТИТУЦИЯ — ВАТАН НОМУСИ ДЕМАК

латчиликни тикламоқда.

Ўзбек миллати азалдан ўз фикри, ўз истиқлоли учун қурашиб яшаган. Бунга мозий ғувоҳ. Миллатимиз тарихи ҳақидаги ҳақиқат юртимизнинг фидойи, ўз йўлидан, маслагидан, сўзидан қайтмай-диган фарзандларига очилиши лозим. Билишимиз шарт бўлган тарих саҳифаларини кўнт билан арақлаш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Шарқни Фарб билан боғлаган Буюк Ипақ йўлининг марказида ҳайлашган буюк Турон — Мовароуннаҳр заминида қадимда ўзга мамлакатлар вакиллари нафақат тижорат билан шуғуланган, балки илм-маърифат, маданият дундоанлари ва давлатчилик асослари билан ҳам танишар эди.

Буюк бобомиз соҳибқирон Амир Темури барпо этган, илм-фан, маърифат борасида ўрта

эълон қилинди. У инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун эканлигини ва бурчларини кафолатлайди.

Жамиятдаги мавжуд оқимлар ва фикрлар хилма-хиллиги ҳақида гапирилганда эса куйидагиларни алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, диний экстремизм ва халқаро террорчилик азалдан инсоният цивилизациясига энг катта ҳавф солиб келаётгани ҳаммага маълум. Ўз гаразли мақсади йўлида динни ниқоб қилиб бўлмоқда интилатётган, бу ишда ҳар қандай қонунсизлик ва жиноятдан тоймаётган ақидапараст кимсалар тасирига ёшларимизнинг адашиб тушиб қолмасликлари, уларни Ватан маъносини тоғ маънода тушунадиган, унинг оқоюнлиги ва тинчлигини қўз қорачиғидай асраб оладиган даражага етказоғимиз давр талабидир. Улуг заманимиз тақдирини ва тарақ-

"Қонун ҳукмрон бўлган жойда эркинлик ҳам бўлади".

Амир Темури

Маълумки, 1991 йили эълон қилинган хурриятдан сўнг мамлакатимиз ҳаётини улкан сиёсий воқеа 1992 йил 8 декабрда мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Асосий Қонуни — Конституцияси қабул қилинганлиги бўлди.

Ҳўш, маъмур Конституциянинг аҳамияти нимада ва бошқа давлатлар конституцияларидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?

Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётига оид энг асосий масалалар конституция орқали тартибга солинади. Шундай экан, бирор давлатнинг конституциясини ўқиб кўриб, маъмур давлатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий-маънавий ҳаёти қандай эканлигини кўз олдинга келтирасиз.

Юқорида таъкидланганидек,

Ta'kid

Конституцияси "Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро Билл", БМТнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси" каби халқаро ҳужжатларга асосланиб яратилган бўлиб, у инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидаги барча муҳим қоидаларни, яъни инсоннинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик қоидаларини қамраб олган.

Жаҳон ҳамжамияти томонидан яратилган демократик негизлар ва тамойилларни, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, умуминсоний қадриятларини ўзида мужассамлаштирганлиги билан ҳамда ўзини ўқутиши, йўналиши, маъмунига кўра янги Қомусимиз бу ўлкада амал қилиб келган аввалги барча конституциялардан кескин фарқ қилади.

Ўзбекистон Конституцияси-

ФАХР ВА ИФТИХОРИМИЗ РАМЗИ

Конституция — давлатнинг асосий Қонуни ҳисобланади. Ундан юқори бўлган қонун мавжуд эмас.

Конституциянинг нормалари давлатда таъсис йўсинидаги ҳаракатга ҳамда устувор кучга эга бўлади. Яъни, давлатдаги ҳар қандай ҳуқуқий ҳужжат конституцияга зид бўлмаган ҳолда, унга асосланиб қабул қилинади. Асосий Қонунимизнинг 16-моддасида айтаб ўтилганидек, "Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив — ҳуқуқий ҳужжат конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас".

Шунингдек, конституция давлатдаги энг муҳим ижтимоий муносабатларни бошқариб бориш билан боғлиқ бир қанча асосий муаммоларни ҳал қилиб беради ҳамда ҳуқуқнинг барча тармоқларида ривожлантириш учун юридик асос вазифасини ўтайди.

Энди асосий Қонунимизнинг яратилиши тўғрисида қисқача сўз: Ўзбекистон Республикасининг

нинг ўзига хос хусусиятларидан бири — у миллион-миллион кишилар дилига яқин ҳамда уларга тушунарли бўлган сиёсий ва юридик ҳужжатдир. Эътиборли жиҳати шундаки, у бирор-бир тайёр андозадан, масалан, хорижий мамлакатлар конституцияларидан кўчирмачилик йўли билан эмас, балки жаҳон конституциявий таърихидаги таърих ва унинг ижодий томонларидан атрофича фойдаланилган ҳолда тайёрланган.

Асосий Қонунимиз инсон ҳуқуқларини, барқарорликни ва мавжуд ҳар бир оиланинг муносиб ҳаёт кечиршини, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига ишончли истиқболни кафолатлаб, уларнинг турмушини яхшилаш, миллий, маънавий, ахлоқий барқарорлигини таъминлаш каби вазифаларни ҳам бажаради.

Ақромжон ХҲЖАМОВ,
Тошкент Давлат юридик институти 3-курс талабаси

БУТУН ДУНЁ БОЛАЛАРИГА АТАЛГАН КИТОБ



Бирлашган Миллатлар Ташкилоти деганда нима тушунилади? Яқинда турли мамлакатларнинг ўқувчилар гуруҳи БМТнинг Нью-Йоркдаги штаб-квартирасини эътибор қилишгаётганда, уларга шу савол билан мурожаат қилинди. Уларнинг ақсариёти ўзи учун БМТ тинчликни қўриқловчи ташкилот эканлигини айтди. Баъзилари ядро қуролига қарши қурашда БМТнинг аҳамиятини қайд этишди. Аммо бир қанча болаларнинг жавоблари бутунлай бошқача бўлди. Анголдан келган бола БМТ деганда ерни миналардан тозаловчиларни тушунишини айтган бўлса, Иорданияда яшаётган фаластинлик ўсмир ўзи учун БМТ қочқорларнинг мададкор эканлигини гапирди. Чунки у есини танигандан бери БМТ қочқорларга тайёрлаган лагер-қароргоҳларда яшаркан... Ҳар қайси бола ўзича ҳақ эди...

Хўш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти нима дегани эмас, балки жаҳон конституциявий таърихидаги таърих ва унинг ижодий томонларидан атрофича фойдаланилган ҳолда тайёрланган. БМТнинг аҳамиятини қайд этишди. Аммо бир қанча болаларнинг жавоблари бутунлай бошқача бўлди. Анголдан келган бола БМТ деганда ерни миналардан тозаловчиларни тушунишини айтган бўлса, Иорданияда яшаётган фаластинлик ўсмир ўзи учун БМТ қочқорларнинг мададкор эканлигини гапирди. Чунки у есини танигандан бери БМТ қочқорларга тайёрлаган лагер-қароргоҳларда яшаркан... Ҳар қайси бола ўзича ҳақ эди...

Хўш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти нима дегани эмас, балки жаҳон конституциявий таърихидаги таърих ва унинг ижодий томонларидан атрофича фойдаланилган ҳолда тайёрланган. БМТнинг аҳамиятини қайд этишди. Аммо бир қанча болаларнинг жавоблари бутунлай бошқача бўлди. Анголдан келган бола БМТ деганда ерни миналардан тозаловчиларни тушунишини айтган бўлса, Иорданияда яшаётган фаластинлик ўсмир ўзи учун БМТ қочқорларнинг мададкор эканлигини гапирди. Чунки у есини танигандан бери БМТ қочқорларга тайёрлаган лагер-қароргоҳларда яшаркан... Ҳар қайси бола ўзича ҳақ эди...

Хўш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти нима дегани эмас, балки жаҳон конституциявий таърихидаги таърих ва унинг ижодий томонларидан атрофича фойдаланилган ҳолда тайёрланган. БМТнинг аҳамиятини қайд этишди. Аммо бир қанча болаларнинг жавоблари бутунлай бошқача бўлди. Анголдан келган бола БМТ деганда ерни миналардан тозаловчиларни тушунишини айтган бўлса, Иорданияда яшаётган фаластинлик ўсмир ўзи учун БМТ қочқорларнинг мададкор эканлигини гапирди. Чунки у есини танигандан бери БМТ қочқорларга тайёрлаган лагер-қароргоҳларда яшаркан... Ҳар қайси бола ўзича ҳақ эди...

Мазкур китоб опти бобдан иборат бўлиб, бу бобларда БМТ билан танишув, Бирлашган Миллатлар оиласи, БМТ тинчликни сақлаш учун нима ишлар қилади, БМТ инсон ҳуқуқларини ҳамма ерда жорий этиш учун нима ишлар қилади, БМТ атраф-муҳит ва тараққиёт ҳимояси учун нима ишлар қилади ва биз нималар қилишимиз мумкин каби

мавзулар ёритилган.


Шунингдек, "БМТнинг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?", "Сенинг фикрларинг. Сенинг амалларинг", "Энг муҳим сўзлар" руқилари орқали маълумотлар берилганки, уларни билиш бугунги кун кишининг онгини янада бойитишга хизмат қилади. Яна БМТ миқёсида нишонланадиган қунлар, унинг таркибий қисмларидан энг асосийлари ҳақида ҳам билиш мумкин. Қуйида ушбу китобнинг туртинчи бобидан олинган парчадан "Инсон ҳуқуқлари нима?", "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси нима?" эканлиги ҳақида билиб оласиз.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ НИМА?

Инсон ҳуқуқлари — бизга одамдай яшашига имкон берадиган ҳуқуқлардир.

Ҳар қандай инсон одамшаванда ва тўлақонли яшаш ҳуқуқига эга. Бу — ҳар қандай одам соғ-саломат, омон яшаш ва унинг энг оддий эҳтиёжлари қондирилиши зарурлигиндан ташқари, у ўз қобилиятларини ўстириш ва оқсалириш учун адолатли имконга эга бўлиши ҳам керак, деган маънони билдиради.

Инсон ҳуқуқларини болаларга таъкиб этганда атроф-муҳитнинг ҳафсизлиги, таълим, дам олиш учун вақт ажратилиши, соғлиқни сақлаш, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётда иштирок этиш имконлари ҳам тушунилади. Сен қундалик ҳаётингда бошқа одамларнинг хурматини жойига қўйсанг, бу билан инсон ҳуқуқларини ҳаётга жо-



рий этишга ўз ҳиссангни қўшган бўласан.

Сен айни чоғда инсон ҳуқуқларини қўлаб-қувватлайдиган маҳаллий ва халқаро ташкилотларнинг ишида катнашишинг ҳам мумкин.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ НИМА?

1948 йилда БМТ "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси"ни қабул қилди. Бу ҳужжатда ҳамма мамлакатлар учун ҳар бир инсоннинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган нормалар белгиланган. Бу декларацияда инсон ҳуқуқлари "оқоюнлик, адолат ва япни тинчликнинг асоси"дир, дейилган.

Декларация қонун эмас, у фақат барча мамлакатларга қилиниши лозим бўлган ишларни таъсия этади. Аммо икки халқаро конвенция ёки шартнома бор, бири — иқтисодий, маданий ва ижтимоий ҳуқуқларга оид, иккинчиси — фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга оид; бу шартномани имзолаган мамлакатлар ўз мажбуриятларига қатъий риоя қилишга мажбурдилар. БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича яна бир қанча шартномалар тузган. Бу мамлакатлар ўз ҳуқуқматлари фуқароларининг ҳуқуқларига риоя қилаётгани ёки йўқми, БМТга бунми текшириш ҳуқуқини берганлар.

Шерали НИШОНОВ

Бугунги кунда бутун дунё тарихий эътиборини Ўзбекистонга қўйди. Бу ҳолларда унинг Конституцияси орқали танимоқда.

"Ўзбекистон Республикаси қонун билан таъкидлангандаги ўз давлат раъзлари — байроғи, герб ва мадҳиясига эга".

Асосий Қонунимизнинг 5-моддасида ифода этилган бу сўзларни ўқиганимизда, беҳатиёр Ўзбекистон байроғининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қароргоҳида қилинган бошланган кун кўз унгимизга келади. Бугун эса мамлакатимизда ун икки юдузли байроғимизни, Бахт қуши — Ҳумони ўзида мужассам этган гербимизни танимаган, "Серқуёш, хур улкам, элга бахт, нажот", деб бошланувчи мадҳиямизни қўйламаган фуқаро йўқ ҳисоб. Бу ҳаммамизда фахр ва ифтихор туйғусини уйғотади, унинг

ЎЗЛИГИНИ БИЛГАН ТАНИЛАДИ

тадрижий такомилга йўл очди. Биз бу фахр ва ифтихорни Конституцияимизнинг ҳар бир бобида сезамиз. Чунки унда Хожа Аҳмад Яссавий бобомиз даврларидан тортиб, Амир Темури замонидан шакланган миллий таваққур, муқаддас исломий қадриятлар ҳам тула ўз ифодасини тошган. Шу қўнча замин одамлари қўнғалда ус-тувор бўлган адолат, ҳақиқат, йимон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантлилик каби улуг хислатлар бу муборак ҳужжатни кўзга қуринмас "ишлар" билан бошқариб туради. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида Конституцияимиз "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси"нинг барча асосий гоя ва қоидаларини ўзига сингдирган. Шу боис, унда давлат суверенитети, халқ ҳокимиятичи-

лиги, ҳокимиятларнинг бўлиниши, демократизм, конституция ва қонуларнинг устуворлиги, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш, суд тизими каби принциплар ўз моҳиятини тошган.

Давлатимизнинг демократик моҳиятидан келиб чиққан ҳолда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари асосий қонунда кафолатлаб қўйилган. Ҳуқуқий-демократик давлатда фуқаролар жамияти қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистонда бу масалага биринчи даражада аҳамият берилмоқда. Инсонни улуглаш, уни муҳофаза қилиш ва ҳар томонлама камол топтириш Конституцияимизнинг асосий гоясига айланганлиги. Шунинг учун ҳам Конституциянинг энг катта ва муҳим қисми "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эр-

кинликлари ва бурчлари" деб номланган II бўлимидир. Зотан, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлар шарт. Бу суверен, демократик давлатнинг асосий тамойилларидан биридир. Давлат эса бирон синф, сиёсий партия, табақа, гуруҳнинг манфаатларини бошқарувчи диктатор бўлмай, жамиятдаги барча сиёсий партия, табақа ва гуруҳларнинг, миллат ва элатларнинг манфаатларини ифодалайди.

А.ФОЗИЛОВ,
НДПИ ҳуқуқшунослики,
"Ўзбекистонда янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" фанлари кафедраси мудири, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди

Тахририятдан: Соғлом авлод орзусининг дастлабки экинларидан бири бўлган Тошкент шаҳар "Акел" болалар марказининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш йўлидаги фаолияти ҳақида газетамизнинг ўтган йилги сонларида батафсил маълумот берилган эди. Мазкур болалар маркази томонидан ишлаб чиқилган ўзига хос таълим-тарбия дастурида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий тушунчаларини навқирон авлод онгига етказишга алоҳида эътибор қаратилади. Қуйидаги мақола "Акел" болалар марказининг қонунлар Қомиссини ўқитишга бағишланган янгича дастурининг бир қисmini акс эттиради.

Мустақиллик мафқурасининг тамал тушунчаларидан ҳисобланган Ўзбекистоннинг давлат рамзлари ва озода Ватан тимсолларини ёш авлоднинг қонқонига сингдириб юбориш бугун ҳар қачонгидан кўра чуқур тарбиявий аҳамиятга эга. "Акел" болалар марказининг мазкур тушунчаларни кичкинтойларнинг тафаккури ва қизиқишига мос тарзда, ўзига хос шеърли сабоқлар ёрдамида ўқитишни мўлажало олган махсус дастурида миллий рамзлар ва тимсолларнинг маконини белгилашда асосий манба сифатида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига суянилади. Бу ўз-ўзидан Мустақиллик дарсларида Асосий қонунимизни тарғиб қилиш ва унинг миллий тимсоллар билан боғлиқ модаларини ўқитиш-ўргатиш мақсадини кўзга тутди. Марказимиз дастурида Ўзбекистоннинг давлат рамзлари ва муқаддас Ватан тимсолларининг таърифи шеърли сабоқлар орқали кўйилганча ифодаланади:

1. Ҳуқуқчиларга Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳақида лунда маълумот бериш баробарида, уларни Асосий қонунимизга эҳтиром ва садоқат руҳида тарбиялаш:
**Шайнингга саф тортар бутун мамлакат,
Туғи деб тенглигу бирагимизнинг,
Ҳаққа, адолатга этгайсан давват,
Порлаб боши узра Олий Мажлисининг.
Қонунлар онаси — доғлар кулёт,
Юрта сен барҳаёт — ҳурлик барҳаёт!**

Энинг бахти дея ёнган машъалсан,
Йўлин ёритиб ҳар эзгу мурулонинг.
Етук низомагга чорлаб яшарсан,
Ёниқ орзусида соғлом авлоднинг.
Қонунлар онаси — боқий кулёт,
Юрта сен барҳаёт — тинчлик барҳаёт!

II. Ёш бўғининг миллат, халқ тушунчаси ҳақида тасаввурларини бойитиб, унда Ўзбекистон халқининг маънавий улғуворлигига ва чексиз куч-қудратига чуқур ишонч уйғотиш:

**Тарихдан бир-бир йитар Не-не фотихлар секин.
Из қолдирмасдан битар Не салтанатлар, лекин
Сен қолурсан мангу ҳақ, Сен қолурсан, улғу халқ!
Асрларнинг тилида Утай шилдатинг билан,
Наслларнинг дилида**

гунидан фахрларини туйғусини шакллантириш:
**Олтин битикларда Шош номинг билан
Машҳурсан маърифат суянчи бўлиб.
Асримизда фахрий мақоминг билан
Дўстлик ва тинчликнинг таянчи бўлиб.
Шаҳарлар сафида бошкентсан ўзинг,
Латофатда танҳо Тошкентсан ўзинг!
Илҳом парисидай ёнарсан ял-ял,
Дилларга бахш этиб оташин туйғу.
Бир ён осмонўпар қасрлар зарҳал,
Бир ёнда безагай шарқона шукҳу.
Улуғвор қаторда бошкентсан ўзинг,
Маҳобатда танҳо Тошкентсан ўзинг!
V. Усмилрларга инсон ҳаётида саломатликнинг ҳал қилувчи аҳамиятини тушунтириб, уларни тиббиёт ходимларига нисбатан чуқур ишонч ва ҳурмат руҳида тарбиялаш:
**Зўр ўқиш билан элга хизматнинг,
Ҳар улғу ишининг аввали соғламқ.****

Madh

Ўйлаб қарасак, ҳаммаси бизга
Она табиат бағридан оққан.
Толдан ўйчанлик, гулдан латофат,
Боғлардан файз, тоғлардан гурур.
Қушдан эркинлик, оҳудан ифпат,
Кўлдан тиниқлик, дарёдан сурур...
Хулласи калом, уларнинг барин
Асраб-авайлаш эзгу бурчимиз
Улар қошида бўлсак камтарин,
Шунда кўринар асл кучимиз.
VIII. Успиринларда катта бўлган сайин оила аъзолари олдидаги бурч ва масъулият туйғусини шакллантириб, уларни ота-оналарга ғамхўрлик руҳида тарбиялаш:
**Ёруғ келажакка тиккаймиз кўзни,
Бахтиёр ҳаётнинг дийдорига зор.
Ва улғайган сайин сезгаймиз ўзни
Икки улғу зотдан доим қардор.
Бир аламосига Ватанин жойлаб,
Туну кун тебратган бешигимизни.
Бир бўронларда йўлимиз пойлаб,
Очган ҳар бекиган эшигимизни.
Уларга аталган энг қуюқ салом,
Уларга аталган умрбод таъзим.
Уларнинг шаънига энг эзгу калом,
Уларнинг шаънига қутловлар азим!
Хуллас, халқимиз ва жамиятимиз маънавиятининг асосини ташкил этувчи узак тушунчаларни соғлом ва баркамол авлоднинг таълим-тарбиясига хизмат қилдириш марказимиз ижодий жамоаси олдида янги-янги вазифалар қўймоқда. Бу вазифаларни тўла-тўқис амалга ошириш эса, энг аввало, замонавий усуллар билан қуролланган, юқори савияли ва фидойий ўқитувчиларга боғлиқ. Шу жиҳатдан "Акел" болалар марказининг ютуқларида бир қатор тажрибаи ва малакаи мураббийларнинг алоҳида хизматлари бор. Энг муҳими, кейинги йилларда янги-янчи таълим тизимини йўлга қўйиш бўйича Ўзбекистон ҳукумати томонидан белгиланган чора-тадбирлар марказимиз ижодий фаолияти учун яна ҳам кенгроқ уфқлар очмоқда.**

**А. БАҒИРОВ,
Тошкент шаҳар "Акел"
болалар марказининг
илмий раҳбари, филология
фанлари номзоди**

АСОСИЙ ҚОНУН
ТАРАННУМИ

**Улкан қудратинг билан.
Сен яшарсан мангу ҳақ,
Сен яшарсан, улғу халқ!**
III. Кичкинтойларга она тилимизнинг улкан бойлиги ва бетақдор гузаллигини ўқитиш орқали уларда Ўзбекистон Республикасининг давлат тилига нисбатан чексиз меҳр ва қизиқиш туғдириш:
**Сўнги жанг олдида алплар авайлаб,
Тошларга яширган дафина сенсан.
Қанча қувғинларни куйга жо айлаб,
Омон этиб келган ҳазина сенсан.
Хазинам, бугунги пайғом муборак,
Давлат тили деган мақом муборак!
Ҳар сўзингдан турли маънолар балиқиб,
Ёнар камалакнинг ҳур рангларидай.
Ажиб долғаларда товушлар қалқиб,
Сеҳрлар чилторнинг жанрангларидай.
Чилторим, абдалий айём муборак,
Давлат тили деган мақом муборак!
IV. Ёш болаларга пойтахт тушунчаси ҳақида қисқача маълумот бериб, уларда Ўзбекистон Республикасининг пойтахти Тошкент шаҳрининг ўтмишидан ва бу-**

**Барчага азиз ушбу неъматнинг
Таги шифокор аҳлига боғлиқ,
Топқоқ либосдан таралган зиё
Тағрига тоблар жан ришталарин.
Оғриқ дастидан бўлсак дилсиз,
Қўмсармиз наҳот фаришталарин.
VI. Соғлом авлодда билимга ташналикин, им-фанга теран рағбатни шакллантириб, маърифат дарғаларига нисбатан чексиз меҳр ва эҳтиром уйғотиш:
**Жажжи онгимиз — олам ичра
Энг катта бойлик — билимга чанқоқ.
Сирлар баҳридан тўймагай сира,
Олиб истиқлол дарсидан сабоқ.
Илм йўлида дили ёқармиз,
Бошга кўтариб муаллим номин.
Кашфлар сари қанот қоқармиз,
Юракка битиб ўстоз каломин.
VII. Навқирон наслада атроф-муҳитга, Ўзбекистоннинг бетақдор гузаллигига ҳассос муносабатни тарбиялаб, унда табиатга нисбатан меҳр-мурувват кайфиятини кучайтириш:
**То шўхлигимиз тушунча изга
Бир ҳақиқатни ақлимиз уққан.******

БАЙРАМ
ШУКУҲИ

Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфига ўқув муассасаларида умумхалқ байрами — Конституция куну зўр тантаналар билан ишонимомқда. Байрам шодиёналари давом этаётган шу кунларда академик лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежларида таълим ҳуқуқшунос олимлар, халқ зиёлилари, давлат, сўёсат, санъат арбоблари иштирокида қизиқарли учрашувлар, баҳс-мунозаралар ташкил қилинмоқда. Шунингдек, байрам кунлари ушбу тизимнинг меҳнат фахрийлари алоҳида эъзозланиб, уларга совға-саомалар тақдим этилмоқда. Қуйида жойларда ташкил этилаётган байрам тантаналаридан воқиф бўласиз.

Тошкент давлат техника университети қошидаги Чилонзор академик лицейида байрам таратуди айна қизиган пайт. Лицей директори Гинара Зиятдинованинг ташаббуси билан байрам тадбирлари ишлаб чиқилиб, ҳозир бу ерда ушбу санага тайёргарлик ишлари авж олган. Байрам кунлари лицей фойеси ва мажлислар зали байрамона безатилади. Конституция кунига бағишлаб альбом, буклет, плакат, деворий газеталар тайёрлаш гуруҳлари юклатилган. Айна пайтда лицейнинг барча гуруҳларида "Конституция — демократия қафолати" мавзусида тарбиявий соатлар ўтказилиб келинмоқда.

Академик лицейнинг I-II босқич ўқувчилари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Инсон ҳуқуқлари буйича жаҳон декларацияси ҳамда Болалар ҳуқуқи буйича конвенция бағишланган ахборот-ҳуқуқий марафоннинг ўтказилиши ҳам кутилаётган. Ушбу мавзунда қамраб олувчи "Брейнинг" интеллектуал ўйини ҳамда Инсон ҳуқуқлари буйича ўтказилажак байрам фестивали, шунингдек лицей жамоасининг Конституция кунига бағишланган тантанали йиғилиши ҳам Бош Қомиссиянинг мадҳ этувчи байрам тадбирларидан жой олган.

**Нурлан УСМОНОВ,
"Маърифат" мухбири**



Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги Мирзо Улуғбек номи ўрта мактабнинг физика фани ўқитувчиси Жўра Каримов халқ таълими соҳасидаги фидокорона меҳнатлари боис "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси" унвонига сазовор бўлди. Бу бежиз эмас. Ҳозирги кунда устознинг шоғирдлари вилоятнинг турли илм масканларида физика фани сирларини ёш авлодга сиққидилдан ўргатишаётган. Улар ҳам устозлари каби назарий билимларни амалиёт билан боғлаб олиб боришапти.

Суратда: фидойи муаллим Жўра Каримов ўқувчиларга трансформаторларнинг амалиётда қандай қўлланилиши ҳақида тушунча бермоқда.
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

СОҒЛОМ АВЛОДНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1946 йилда ташкил этилган "Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти" ҳозирги кунга қадар ўзининг "Соғлом жамият қуриш" дастурига таяниб иш юритиб келмоқда. Бир қанча давлатлар қатори Ўзбекистон ҳам бу ташкилот амалга ошираётган ишларга хайрихоҳ сифатида 1992 йил 22 майдан бошлаб унинг доимий ҳамкорига айланди.

Соғлом авлоднинг камол топтириш мустақил Ўзбекистон Республикасининг олдида қўйган асосий мақсадларидан биридир. Конституцияимизнинг 14-боби "Оила" деб аталади. Қонунимизнинг 63-, 64-, 65-, 66-моддалари асосан фарзандларимизнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш руҳида ишлаб чиқилган. Мисол учун, 64-моддани олдидан бўлсак, унда: "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга

мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайри фаолиятларини рағбатлантиради", дейилган.

Буларни ўқиганда асосий қонунимизда оиланин жамиятда туғган ўрни, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар, унинг маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий асоси, келажак авлод тақдирини давлат келажиги билан ўзаро боғлиқлигини кўриш мумкин. Мазкур ҳуқуқий меъёрлар Ўзбекистонда том маънодаги фуқаролик жамиятини шакллантириш ва фуқароларни кучли ижтимоий муҳофаза этишни кўзлайди.

Шу ўринда, давлатимиз томонидан 1993 йил 7 майда "Соғлом авлод учун" орденининг таъсис этилганини алоҳида айтиб ўтиш лозим. У мустақил Ўзбекистонда жорий этилган илк орденидир.

Бу соҳадаги ислохотларни кўриб, шунга айтиш мумкинки, улар, албатта, ўз натижасини беради. Бунинг қанчалик яхши натижа бериши, албатта, давлатимиз томонидан чиқарилаётган қонун-ҳужжатларга қанчалик ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдиришимиз ва буларни ҳаётга тўғри тадбиқ этишимизга боғлиқдир. Бизга бу йўлда халқимизнинг инсонпарвар ва адолатпарварлиги ёрдам беради.

**Ойбек ТУХТАБОВЕВ,
Фаргона Давлат университети
ҳуқуқшунослик
факультети
II курс талабаси**

Бир кун қўшнимизнинг 7-синфда ўқийдиган қизи Нигора йиғлаб келатган экан. Ундан сабабини суратганида ойлик йўл чиптасини қандайдир нотаниш киши олиб қўйганлигини айтди:
— Энди мактабдан чиққан эдик, - деди у, - йўлакчада турган, ҳаммага ухшаб кийинган киши ўқувчилик гувоҳномами ва ойлик чиптамни курсатини суради, кейин... олиб қўйди.
— Сен у кишидан кимлигини сурамадингми, - деб сурадим.
— Йўқ, - дея сергак тортиди у.

«Ҳамза» метро бекатидан чиқаверишда уч нафар юқори синф ўқувчилари баҳслашишарди. Улар метро вагонларининг бирдан тушириб қолдирилган фуқаролик паспортини топиб олишган ва уни нима қилиш ҳақида бош қотиришарди. Ниҳоят, улардан бири "донор" чиқиб, бу матоҳни нима ҳам қиламиз, оч қорним-тинч қулоғим эмасми, деб қолди ва паспортни уша ердаги ахлат қутчасига ташлаб кетишди. Афсуски, уларнинг биронтасидан "топилма"ни яқин орадаги ички ишлар ёки милиция бўлимига олиб бориб топшириш тўғрисида фикр чиқмади.

Шаҳримиз марказидаги истироҳат боғида тўрт нафар ўқувчи ўриндиқлардан бирига ўтиришди-да, китоб-дафтарларини олиб, алланарсалар ҳақида суҳбатлашишга тушишди. Шунда боғни қўриқловчи посбонлардан бири келиб, болаларга бу ер дам оладиган жой эканлигини ўқитиб, илҳомланиб турган ўқувчиларни тургазиб юборди. Ҳафсаласи пир бўлган болалар ўзларининг ўқишлари, дам олишлари учун мада-

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Ахир, ўз ҳуқуқимизни билишимиз қилаётган ишларимиз мақсадини аниқлаш, бировларга мутелиқдан сақланишга, хуллас ўзимизни танишга ёрдам беради. Кишининг ўз ҳуқуқини билмаслиги эса унинг оживлигидан далолат беради. Зеро, биз ҳуқуқий-демократик жамият қурмоқдамиз. Бундай жамият фарзандлари ҳам шу номга муносиб бўлмоғи керак.
Демак, мактабларда ҳуқуқ-тартибот ходимлари билан доимий ҳамкорлик тузилиб, алоҳида дарс соатлари ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Тўғри,

УЛУҒ САНАГА БАҒИШЛАНДИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги олий педагогика институтида республикасида вилоятлардан ўз касбий тайёргарлиги ва малакасини ошириш учун келган тинловчилар, профессор-ўқитувчилар билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Конституцияси — мустақиллигимиз Қомуси" мавзусида илмий методик конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманни қирғиз сузи билан очган институт директори, тарих фанлари доктори, профессор Ш. Шарофов маъруза учун "Фуқаролик ҳуқуқи ва унинг Конституцияда акс этиши" мавзусида сузи республика Фанлар академиясининг академиги Х. Раҳмонқуловга, "Миллий давлатимиз ривожини" мавзусида сузи Тошкент Молия институти кафедра мудири, профессор Қ. Усмонова, "Конституция — миллий мурабий" мавзусида сузи Ўзбекистон Миллий университети юридик факультети декани, юридик фанлари доктори, профессор М. Мирхамидова беради. Шунингдек, анжуман ишида республикамиз олий ўқув юртинларининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари улғу санаи улғуловчи фикрлар билдиришарди.
Ўқитиш жарафини янада фаоллаштиришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди. Илмий-амалий конференция тинловчилар ва катнашчиларда яхши таъсирот котириди.
Илгилги сўнггида институт директори Ш. Шарофов малакасини оширган, республикамиз вилоятларидан келган бир гуруҳ кафедра мудириларига битирув гувоҳномалари топшириди.

Б. УСМОНОВ

Fikr

қўйи синфларда шу мавзудаги тарбиявий соат дарслари утилади. Юқори синфлар учун "Давлат ҳуқуқи асослари" фанидан дарс соатлари ҳам ажратилган. Аммо, соҳа мутахассислари билан тўғридан-тўғри мулоқотда бўлиб, амалий тавсияномалар синфларнинг ёш хусусиятларига қараб берилса, назарий билимлар янада мустаҳкамланиб, ҳуқуқий маданият амалда шаклланади.
Турмуш тарзимизга ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия жуда зарурлигини давр ўзи курсатмоқда. "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури"нинг қабул қилинганлиги ҳам фикримизга исбот бўла олади.
Бола угирликни олдин тушунмасдан, билмасдан қилиши мумкин. Лекин у бора-бора жиноятчига айланади. Усмилрлар орасида содир этилаётган жиноятлар шундан далолат беради. Шундай экан, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса ёшларда фуқаролик ҳис-туйғулари таркиб топмас, ҳуқуқий саводхонлигимизнинг олди олинмас, шахсининг ҳуқуқларию, эркинликларини амалга ошириб бўлмайди.


Насиба ЭРХОНОВА

МОҲИЯТГА НАЗАР

"1991 йил 31 августдан эътиборан, Ўзбекистон тарихида янги давр бошланди. Дунёда яна битта мустақил давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Мустақиллик тинч, демократик, парламент йўли билан қурбонларсиз, ижтимоий ларзаларсиз қўлга киритилди, умумхалқ томонидан яқдиллик билан маъқулланди. Мустақил ўзбек давлати — халқимизнинг улкан тарихий ғалабаси сифатида Ватанимиз тарихи зарваридан унутилмас ўрин эгаллади."

шундай жумлалар билан бошланади. С.Фулмонов ва Қ.Усмонов қаламига мансуб бўлган мазкур рисолада Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш тамойил асосида мустақиллигимизнинг ўтган 9 йилда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик ислохотлар жамиятимизга қандай янгиликлар киритди?", "Иқтисодий ислохотлар бизга нима берди?", "Маънавий-маърифий жамияти қуриш, иқтисодий соҳадаги ислохотлар, жамият маънавиятини юксалтириш, жаҳон ҳам- жамияти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик натижалари қисқача ёритилган. Бу улкан муваффақиятларни қўлга киритишда юртбошимиз Ислам Каримовнинг ташаббускорлик, ижодкорлик, ташкилотчилик фао-

лиятига алоҳида ўрин берилган. Рисола мундарижаси "Ислам Каримов — Ўзбекистон мустақил тараққий йўлининг ижодкори", "Давлат ва жамият қурилишида қандай ютуқларга эришдик?", "Иқтисодий ислохотлар бизга нима берди?", "Маънавий-маърифий жамияти қуриш, иқтисодий соҳадаги ислохотлар, жамият маънавиятини юксалтириш, жаҳон ҳам- жамияти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик натижалари қисқача ёритилган. Бу улкан муваффақиятларни қўлга киритишда юртбошимиз Ислам Каримовнинг ташаббускорлик, ижодкорлик, ташкилотчилик фао-



лолиннинг қадрига етишга ундайди. Рисола олий ўқув юрталари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари талаба ўқувчилари ҳамда кенг китобхона ёшлар учун мўлжалланган.

И. БҮРИБОВ

ХОНАДОН БОҒЧАЛАРИГА — ЮНИСЕФ ТУҒФАСИ

Республика Халқ таълими вазирлиги ва ЮНИСЕФ болалар жамғармаси кўмағида Сирдарё вилоятининг Мирзаобод, Ховос ва Бобўт туманларидаги хонадонларда болалар боғчалари барпо этилди. Вилоятга ташриф буюрган ЮНИСЕФ болалар жамғармаси ваколатхонаси раҳбари жаноб Руди Родригес, республика Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов ва вазирлик мактабгача таълим Бош бошқармасининг бошлиғи Хамда Аҳмедова хонадонлардаги болалар боғчаларига ЮНИСЕФнинг совғаларини, жумладан дарсликлар, ўйинчоқлар, иссиқ кўрпа-тўшаклар, спорт кийимларини, шунингдек, Халқ таълими вазирлигининг болалар муассасалари учун махсус ишлаб чиқилган уставишни топширди.

Бундан ташқари, вилоят хонадон болалари тарбиячилари учун янги усулда ўқув-тарбия ишларини олиб бориш, ўқув дарсликларидан самарали фойдаланиш бўйича тренинг ўтказилди. — Жаҳон амалиётидан маълумки, бола ўш шароитида ўзини эмин-эркин ҳис қилади. Оила бағрида ўсган бола она меҳрига, тафтига қонади, — деди Р.Родригес. "Туркистон-пресс" мухбири билан суҳбатда. Айни пайтда мамлакатнинг беш вилоятида шу йилдаги 300 та оилавий болалар боғчалари фаолият кўрсатаётди. Уларни ўқув қўлланмалари, ўйинчоқлар ва бошқа зарур анжумлар билан таъминлашни биз ўз зиммamisга олганмиз. Бу хайрли ишнинг Сирдарё вилоятидан бошлади. Таъкидлашим лозимки, биз бир марталик ёрдам билан қийоғланмасдан, уни мунтазам давом эттирамиз. Яқин келгусида Фарғона, Қашқадарё, Хоразм, Сирдарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон хонадон болалари тарбиячилари учун махсус ўқувни ҳамда кенг тажриба алмашишни ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Сирдарё вилояти, "Туркистон-пресс"

1-дарс

Кўчаларга бир назар ташланганда, турли тезликда ҳаракатланиб бораётган хилма-хил транспорт воситаларига кўзингиз тушади. Замонамиз фаровонлашиб борган сари машиналарнинг турлари ҳам кўпайиб бормоқда. Шу билан бирга унинг инсониятга келтираётган зарари ҳам ошиб бораётди. Транспорт воситалари иштрокида юзга келаётган ноҳус вазиётларнинг сабабларидан бири, йўларда ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчилар томонидан тезликнинг оширилиши, уларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмасликлари, автомобилларнинг техник носозлиги бўлса, иккинчидан, йўловчиларнинг, айниқса, болаларнинг йўл ҳаракати қоидалари борасидаги билимларининг пастлиги ва йўларда хавфсиз ҳаракат қилиш малакасига етарлича эга эмасликлари. Йўл ҳаракати ҳодисаларидан жабрланиш хавфи — шаҳар шароитида энг юқори курсаткига эга бўлган хавф ҳисобланади.

Йўловчиларнинг, айниқса, болаларнинг хавфсиз ҳаракатларини таъминлаш давлат аҳамиятига молик масалалардан бири.

Кўчаларимизда ҳаракатланаётган транспорт воситаларидан айримларини кўриб қиқайлик.

Тролейбус ва трамвай — транспортнинг энг хавфсиз турларидан бири, чун-

O'zimizni o'zimiz asraylik!

Метро. Транспортнинг бу туридан фойдаланувчи аҳоли метродан фойдаланиш кўрсаткичларини билишлари ва уларга амал қилишлари лозим. Айниқса, эскалаторда кетаётганда қоидаларни бузиш хавфи. Агар сиз тутқични ушламай кетаётган бўлсангиз, эскалатор тўхтаб қолса, инерция сизни бирдан олдинга отиб юбориши мумкин. Тутқичга қўйган сумкангиз йўловчи ва чироқларга тегиб кетиши мумкин. Зиналарда ўтириш ҳам мумкин эмас, қўлга олишнинг эстаги зиналар орасига тикилиб қолиши мумкин.

Агар бирор буюмингизни қўлдан тушириб юборсангиз, одамлар оёқлари орасидан югуриб уни олишга ҳаракат қилмагун — бу яхшиликка олиб келмайди. Навбатчи машинани тўхтатганда сўнггина хотиржам ўз буюмларингизни йиғиб олишингиз мумкин.

Ота-оналар эътиборидан четга қолган кичик болалар, айниқса, кўпроқ жабрланишлар. Бола тутқични пастдан ушласа, бармоқлари унинг орасига кириб қолиши мумкин.

Платформанинг четига жуда ҳам яқинлашманг, кимдир шошиб кета туриб сизни итариб юбориши, сиз ўзингиз

ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ АСОСЛАРИ

2-мавзу. ТРАНСПОРТДАГИ ФАВКУЛОДА ВАЗИЯТЛАР

ки улар битта изда кичик тезлик билан ҳаракат қилади (рельсларда ёки симлардаги электр манбаи ёрдамида). Бирок бу ерда ток уриш хавфи мавжуд. Бу хавф, айниқса, ҳаво нам бўлганда кучаяди. Бундан ташқари электр манбаига уланган симлар чиқиб кетиши ва атрофдаги инсонларга зарар етказиши мумкин. Тролейбус ёки трамвайда энг хавфсиз жой — бу ўтириш жойлари — ўриндиқларидан.

Автобус — умумфойдаланадиган транспорт воситалари орасида эркин ҳаракат қила олади, шу сабабли ҳайдовчи айрим ҳолларда машинани тўсатдан кескин тўхтатиши ёки бирдан буриб юбориши мумкин. Унда бораётганнингизда диққатингизни бошқа нарсаларга жалб қилмай ҳушёр бўлинг.

Энгил автомобиль — транспортнинг тез ҳаракатланувчи ва қўлай туридир. Бирок энгил автомобиль транспортнинг бошқа турларига қараганда авария ҳодисаларига кўпроқ учрайди.

Авария вақтида энг хавфли жой — бу ҳайдовчининг ёнидаги жойдир. Шу сабабли 12 ёшгача бўлган болаларга у ерда ўтириш "Йўл ҳаракати қоидалари"да маън этилган.

қоқилиб йиқилиб тушингиз, яқинлашиб келаётган поезд сизни ойнаси билан туртиб юбориши мумкин. Вагонга чиқиб ва тушиш вақтида ҳам рельслар орасига тушиб кетиш эҳтимоли бор — одамлар тудаси сизни вагонлар орасига итариб юбориши мумкин.

Агар бирор-бир буюмингизни рельслар орасига тушириб юборсангиз, у ерга сақраманг. Яқини стация навбатчисига мурожаат қилинг, навбатчи махсус асбоблар ёрдамида буюмингизни олиб беради. Бирор одамнинг вагонлар орасига тушиб кетганини кўриб қолсангиз, дарҳол машинистга хабар беринг — у поездни юргизишдан аввал ойнага қараб туради. Авария содир бўлганда ёки техник носозлик туфайли поезд туннелда тўхтаб қолса, метрополитен ходимларининг барча кўрсатмаларига риоя қилиш керак. Метро вагониди ёнғин чиқиб қолгудек бўлса, тунн хидини сезишингиз билан буҳақда машинистни хабардор қилиш ва унинг кўрсатмаларига биноан иш тутшингиз лозим.

Захро ИЛЁСОВА, Фўқаро муҳофазаси институти ўқитувчиси

2001 йил БМТ Бош котиби Кофи Аннан томонидан кўнгилчилар йили деб эълон қилинди. Шу муносабат билан БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасида матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда сўзга чиққан "БМТ кўнгилчилари Ўзбекистонда" дастури масъул вакили Хьюго Карлсон ҳар йили тўрт миң нафар БМТ кўнгилчилари дунё мамлакатларида фаолият кўрсатаётганини таъкидлади. Х.Карлсон турли миллатга мансуб бу кишиларнинг 70 фоизи ривожланаётган мамлакат эканлигини қайд этди. Бугунги кунда уларнинг 30 фоизи Африкада, 25 фоизи Осиё ва Тинч океани минтақасида, қолганлари

эса араб Шарқида, Марказий ва жанубий Америкада ҳамда Марказий ва Шарқий европада фаолият кўрсатаётди. БМТнинг Бош Ассамблеясида кўнгилчилар Дастурини таълим тизимида амалга ошириш масаласи дастлаб 1970 йилда ўртага қўйилганди. 1971 йилда эса бу дастурни амалга

оширишда иштирок этиш учун 150 мамлакатдан 20 миңдан зиёд зиёли кишилар ўз истакларини билдирдилар. Улар шу йилнинг ўзига дунёнинг 140 мамлакатига сафарбар этилди.

БМТ кўнгилчилари асосан техникавий, иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги тўртта

йўналиш бўйича иш олиб борадилар. Бу жараён инсонпарварлик ёрдамлари ва ногиронларга ҳар томонлама ёрдам беришни ҳам қамраб олади. БМТ кўнгилчилари ичиди 100 дан зиёд мутахассислик соҳиблари бор. Улар қишлоқ ҳужалиги, тиббиёт, таълим, ишлаб чиқариш,

доллари миқдоридидаги даромад йиғилади. БМТнинг миң йиллик саммитида БМТ Бош котиби К.Аннан ҳам кўнгилчиларга юқори баҳо бериб, бутун дунёда кенг қўлоқ ёйган бу ҳаракат инсониятни ҳар томонлама билимли бўлишига кўмаклашаётганини қайд этганди. Юрак амири билан эзгу ишлари ила дўстлик ва тинчликни тарғиб этаётган кўнгилчилар ҳаракати ҳар томонлама тахсинга лойиқлигини, келажак XXI асрда халқаро алоқаларни ривожлантиришда уларнинг ҳиссаси катта бўлишини таъкидлаганди. Шунинг учун ҳам янги асрни бошлаб берадиган 2001 йилни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан халқаро кўнгилчилар йили деб эълон қилинди.

"Туркистон-пресс"

аҳолишунослик ва бошқа соҳаларидаги энг илғор билимларни ҳам оммалаштирадлар. Шунингдек, БМТ кўнгилчилари дастурда мамлакатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва тажриба алмашиш ҳам кўзда тутилган. Дастур асосида йилга 17 миллион АҚШ

МАХСУС КУРСДА ЎҚИШИМ ШАРТМИ?

Савол: "Одобнома", "Ватан туйғуси", "Маънавият асослари" дарсларини қайси фан ўқитувчилари ва қандай фазилатга эга инсонлар ўтиши керак? Мазкур дарсларни ўқитаётган бошқа фан муаллимлари махсус курсларда ўқишлари шартми?

Ш.РАЖАБОВ, ўқитувчи Самарқанд вилояти

Муштарийимизнинг ушбу саволига Республика Таълим маркази "Маънавият ва қўшимча таълим" бўлими бош методистлари С.Муҳамедова ва Б.Омоновалар қуйидагича жавоб берадилар: Бошланғич синфдаги "Одобнома" дарслари боланинг дунёқароши, диди, салоҳиятини шакллантиришга йўналтирилганлигини ҳисобга олган ҳолда, бу дарсни ўтишга энг етуқ, энг тажрибали мураббийлар бириктирилиши лозим. "Одобнома" дарсларини айнан шу синф ўқитувчиси ёки болаларга одоб-ахлоқ, маънавий ва миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни болалар қалбига чуқур англата олишга қодир, ўзи ҳам шу ҳудуддаги маҳаллада, мавзеда юксак оёрбўга эга бўлган ижодкор ўқитувчилар олиб бормоқлари зарур.



"Ватан туйғуси" дарсларини эса фарзандларимиз юрагиди она-Ватанга, бой тарихимизга, отабобларимизнинг муқаддас динига соғлом муносабатини қарор топтира оладиган замонавий нутқ маданиятига эга илғор адабиёт ва тарих ўқитувчилари олиб борсалар, нур устига нур бўлади.

Миллий истиқлол гоёси тушунча ва тамойилларнинг маъно-моҳиятини ўқувчилар қалби ва онига сингдириш мақсадида 2000-2001 ўқув йилининг II-чорагидан эътиборан умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқув режасидаги 7—9-синфлари учун "Маънавият асослари" ўрнига "Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари" ўқув фани жорий этилди. Шунга кўра, миллий истиқлол гоёси сингдирилган таълим-тарбия мазмуни орқали ўқувчиларни дунёни чуқур англайдиган, замон тараққиёти билан баробар қадам ташлайдиган даражага еткази олишга мохир тажрибали, шу қаторда мутахассислиги бўйича тарих ва ижтимоий фанларга яқин ва илмий салоҳиятга эга ўқитувчилар ўтишлари зарур.

Юқориди кўрсатилган фанларни ўқитаётган ҳар бир ўқитувчининг малака ошириш курслари ғувоҳномага эга бўлишлари эса давр талабларидан бири ҳисобланади.

ЯПОНЛАР ҲИММАТИ

Фарғона вилоятидаги беш нафар мактаб директори Япония ҳукумати томонидан ташкил этилган "Ривожланиш лойиҳаларига молиявий ёрдам" дастурига голиб деб топилди ва Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ўзаро битимга имзо чекдилар. Битимга кўра, умумий қиймати 163 миң АҚШ долларига тенг бўлган мактаб мебели, спорт ва техник асбоб-ускуналар мазкур таълим му-

ассасаларига Япония ҳукумати томонидан шу йилнинг окригага етказиб берилади. "Кичик миқёсдаги лойиҳаларга беминнат ёрдам" сифатида маълум бўлган ушбу дастурнинг асосий мақсади ҳукумат ташкилотлари, касалхоналар, бошланғич мактаблар, турли тадқиқот институти ва бошқа нотижорат ташкилотларга беминнат молиявий ёрдам кўрсатишдир. Яқинда Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси хо-

дими жаноб Кумано Таданори ушбу дастур голиблари — Олтиариқ туманидаги 11, Бешариқ туманидаги 42, Фурқат, Оқунбоёв, Бувайда туманларидаги 6-, 11-, 1-мактабларда бўлиб, яқиндан танишган, ёрдам ҳақидаги қарор қабул қилинди. Бу беминнат ёрдам ўқувчиларга янада замонавий таълим беришга кўмаклашиши, шубҳасиз. Ақромжан ТУРСУНАЛИЕВ

Mehr-muruvvat oyi


жон" марафони каби анъанавий тарзда давом этади. Турнир иштирокчиларини табриклаш учун Сидней олимпиадаси чемпиони Муҳаммадқо-

беллашуви голиблуги Ангрен шаҳри 34-мехрибонлик уйи жамоасига насиб этди. Тошкент шаҳри 21-мехрибонлик уйи ва Бўка шаҳри 15-мехрибонлик уйи тарбияланувчилари кейинги соvrинли ўринларни эгаллашди.

Байрам мусобақасида қатнашган бошқа жамоа аъзолари ҳам эътибор ва совғасиз қолишмади. Улар ҳам "Мехржон" васийлик кенгаши қатори Ўзбекистон футбол федерацияси, Буоқ Британия элчихонаси томонидан таъсис этилган совғалар соҳибига айланди. "Туркистон-пресс"

Мудофаа вазирлигининг МХСК спорт мажмуида мини футбол бўйича меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ўртасида биринчи турнир ўтказилди. "Мехржон" меҳрибонлик уйи ва мактаб-интернатлари васийлик кенгаши томонидан Халқаро ногиронлар кунига бағишлалб уюштирилган ушбу турнир мамлакатимиздаги меҳрга муҳтож болалар қалбига олам-олам қувонч улашди.

"Мехржон" васийлик кенгаши халқимиз орасида ўз хайрли ишлари билан танилган. Утган йилнинг декабрида ҳам кенгаш ташаббуси билан меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари жаҳон, ўзбек ва рус эс-



Кенгаш бу йилги тадбирлари доирасини мини футбол мусобақаси билан бойитди. "Мехржон" васийлик кенгаши вакили Галина Мельниконининг айтишича, эндиликда турнир ҳар йили ўтказилаётган "Мехр-

дир Абдуллаев, дзюдо бўйича республика терма жамоаси янги мураббий Армен Багдасаров ҳамда семвили футболчимиз Миржалол Қосимов ва бошқа спортчимиз юлдузлари келишди. Қизғин кечган футбол

ОЛОВ БЕФАРКЛИКНИ КЕЧИРМАЙДИ

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маъкамасининг 11 ноябрь 2000 йилги 625-Ф фармойишига асосан, мустақил Республикада 15 ноябрдан 15 декабрга қадар "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилмоқда. Унда фуқароларимизни ушбу ойликка кенг жалб қилиш, жойларда ёнғин хавфсизлиги таъминлашга қаратилган чоратадбирлар ҳарҳар ҳодимлар ва маҳалла фаоллари билан биргаликда тадбиқ этиш йўлари, ўт ўчириш ер ости қудуқларини таъминлаш, турар жойларга ёнғин техникаларини тўсиқсиз етиб боришини таъминлаш, қий масумида электр ва газ хизматлари билан ҳамкорликдаги ишларни яхшилаш масала-

ларига қаратилган ойлик иш режаси ишлаб чиқилди. Амалга оширилаётган ишлар хусусида А.Икромов туман ҳарбийлаштирилган ёнғиндан сақлаш бирикмаси бошлиғи, ички хизмат подполковниги Баҳром Юнусов қуйидагиларни сўзлаб берди.

Ақмал Икромов тумани Давлат ёнғин назорати ходимлари содир бўлаётган салбий ҳодисаларни тобора қисқартириш бўйича қилган барча ҳаракатларга қарамай, ёнғинлар кўпаймоқда. Шунингдек, бу содир бўлган ёнғинда моддий зарар миқ-

ёнғинлар ўз-ўзидан эмас, балки одамларнинг эътиборсизликлари туфайли содир бўлиши тасдиқланди. Туманимизда 2000 йилнинг 10 ойи мобайлида 154 та ёнғин содир бўлиб, ўтган йилга нисбатан 3 тага қисқарган. Моддий зарар миқдори 28 фоизга кўпайди яъни 2164203 сўмга етди. Жорий йилда эса одамларнинг ҳалок бўлишини олдини олишда ДЭН ходимлари томонидан сезиларли амалий ишлар қилинди.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган барча фуқароларимизнинг ўт балосидан сақланишларини, уларидан доимо хурсандчилик ва кут-баракат аримаслигини чун диддан истаб қоламиз.

Yon'gin xavfsizligi oyligi

—Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 29 июн 1995 йилдаги 243 рақамли қарорига асосан, Кўнгилли ўт ўчириш, ёш кўнгилли ўт ўчириш жамоаси ва ёнғин техника комиссияси ишларини ташкил қилиш мақсабларида "Ёнғин хавфсизлиги" қўшимча дарслари жорий этишни ҳам тақдос этади.

Oliy o'quv yurtlarida

ФАН ВА ЁШЛАР

Тошкент Давлат авиация институтига йилгача ёшларни жиссантирувчи гоё бу, илму маърифатга бўлган иштишиндир. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти ҳамда ёш олимлар миллий жамиятининг ҳамкорликдаи давра суҳбатиди бир қанча иштироки талабалар, истеъдодли магистрат ва илм қилишга лаёқатли аспирантлар иштирок этишиб, ўз тақлиф ва истақларини билдиришди.

Саноқли кунлар қолган XXI асрда фанинг мавқеи қай даражада бўлади? Ва шу ўринда Ўзбекистон ёш олимларининг вазифалари нимадан иборат бўлади?

Давра суҳбати иштирокчилари ана шу саволларга жавоб излашди. Мухбиримиз САНЪАТКОР — ИНСТИТУТ МЕҲМОНИ Тошкент архитектура-қурилиш институтига Хамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрининг семивли актёрларидан бири, Ўзбекистон халқ артисти Саидқоми Умаров ташириф буюрди. Актёр санъат оламига қандай кириб келганлиги, ижодий фаолияти ва ҳозирга қадар қандай образларни яратгани хусусида ўз мухлисларига сўзлаб берди.

ТАЛАБАЛАРНИ ОГОҲ ЭТИШ

Шунингдек, мазкур институтда Умумжаҳон ОИТСга қарши кураш куну муносабати билан тадбир уюштирилди. Республика ОИТС марказининг бўлим бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоиди Шекат Ёқубов "ОИТС касаллигининг олдини олиш ва унга қарши кураш" мавзусида маъруза қилар экан, бу билан институт талабаларига XX аср вабоси келтирган фожияларни рақамлар асосида шарҳлаб берди.

Умуман олганда, талабалар бу маълумотлардан ўзларига тегишли хулоса чиқариб оладилар, дея умид билдириш мумкин.

Абдулносир ВОХИДОВ, шу институт маънавият ва маърифат маркази раҳбари

МАДАНИЯТ САРОЙИДА КЎРГАЗМА

Миллий университет маданият саройида машҳур ўзбек расоми Ориқали Қозоқов ҳаёти ва ижодига бағишланган кўргазма очилди. Рассомнинг чизган асарлари чет элларга ҳам чиққан. Ўзбекистондаги хорж элчихоналаридан келган вақилларнинг кўргазмага бўлган муносабатлари ҳам бунинг яққол далилидир.

Кўргазмани телебловшувчи Намуна Зоҳирова олиб борапти. Абдор Партиев бошчилигидаги маком қўшиқлари гуруҳи кўргазмага келганларни хушнуд этиштипти. Гулбаҳор СОЛИБЕВА, Узму талабаси

Педагогик тизим самарадорлигини баҳолашчи асосий мезон битирувчи шахсида кейинги босқичга ўттиш ёки ишлаб чиқаришга бориш сифатларининг шаклланишига қаражаси бўлмоғи лозим.

Ушбу ижобий таъсирини қадр ва рағбат топаётган ўқувчиларни меҳнатни ҳаққа яратилмаётган яхши шарт-шароит билан изоҳлаш мумкин.

Ta'limda tadbirkorlik

Таълим тараққиёти ўз навбатида мамлакат ривожини таъминлайди. Бу, шубҳасиз, лекин таълим тараққиётини таъминловчи ким нима? Бу саволга жавоб сифатида бир қанча омилларни санаб ўтиш мумкин. Иктидорли ёшларга эътибор, педагог кадрларнинг сифати ва саноати, таълим муассасасининг барча зарур анжомлар билан таъминланганлиги шу муҳим омиллардан саналади. Шулар жумласидан, таълим тараққиётида ўзининг муҳим ўрнига эга бўлган ва юқоридаги омиллар билан ҳамбарчас боғлиқ бўлган яна бир асосий жиҳат борки, бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Бу жиҳат таълим тизимининг моддий таъминланганлиги даражасидир. Бу даражанинг юқори ёки пастлиги таълим ривожига таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Фарҳод ИРДАШЕВ, "Маърифат" муҳбири

ТАЛАБАЛАР БРИГАДАСИ ТАЪМИРЛАДИ

Й.Охунбоев номидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти аудиториялари ва кафедраларининг иссиқ, роҳатдон эканлигини дилнингиз яйрайди. Афсуски, барча олий ўқув юртиларида ҳам бундай манзарани кузатмаймиз. Иқтисод ва тadbirkorlik масалалари бўйича ректор муроғини, доцент Қадам Жуманиёзов бизга бу ҳақда куйидагиларни сўзлаб берди:

Qishga tayyorgarlik

—Қишқи тайёргарлик масалаларида бизда ёз ойларидаёқ кирилади. Яқинда утган илмий кенгашида бажарилган ишлар тўғрисида ахборот эшитилди ва ҳал қилиниши керак бўлган камчиликлар кўрсатилди. Аудиторияларимиз иссиқ, таъмирдан чиққан. Бизда талабалардан ташкил топган қурилиш бригадалари тузилган. Улар ёз ойларида ўз ётоқ-

рилиб кетишларнинг олди олишди. Ибрат кўрсатган талабалар институт томонидан моддий рағбатлан-тирилди.

Дарвоқе, намунали даргоҳнинг ҳомилири ҳам кўп бўлади. Тўқимачилик ва енгил саноат институтига ҳам-хўрлик кўрсатаётган ташкил-лотлар сирасига "Восийлар" кенгаши, унинг аъзолари бўлган "Ўзбекистонсаноат", "Ўзпахтасаноатсотиш" ва "Ўзбек ипаги" давлат уюшмалари ўзларининг моддий ёрдами билан бераятилар. Ушбу институт Давлат Аттестация ва Аккредитация текшируви натижалари бўйича энг юқори ўрини эгаллади.

Фарҳод ИРДАШЕВ, "Маърифат" муҳбири

Назарияни амалиётга тўғри қўлай олиш амалиёт пайтида шаклланди. Айни кунларда Низомий номидаги ТДПУ ўзбек тили ва адабиёти факультети IV босқич талабалари дарсларда олган назарий билимларини пойтахтдаги 160-мактабда амалиётга татбиқ этаётирлар. Бу ишда амалиёт раҳбари Марям Усмонова, ўқитувчилар Мунира Сиддиқова ва Камола Ваҳобовалар талабаларга йўл-йўриқ кўрсатмоқдалар.



Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

"Маърифат" газетаси бугунги кунда ўзининг янгидан-янги руқнлари, бу руқнлар орқали таълим-тарбия жараёнида бўлаётган ва келгусида қўйлаётган ўзгаришлар, "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалиётга жорий қилиш тadbirkorlik ҳақида ўз саҳифаларида эълон қилаётган мақолалар, мусоҳабалар билан кенг газетхонлар оммасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Айниқса, ҳозирги даврда республикамиздагина эмас, балки бутун дунёда илм аҳлини уйлантираётган муаммолардан бири бу XXI асрда педагогика қандай бўлиши, унинг муаммо ва ечимлари, бу борада олиб борилаётган илмий изланишлар натижалари хусусидадир.

Ушбу мақолада газетанинг 2000 йил 28 октябрь сонига чоп этилган "XXI асрда педагогика фани: муаммолар, мулоҳазалар, ечимлар" сарлавҳаси остида берилган сўхбатдаги ўзбекистон Миллий университети ҳузуридagi олий педагогика институтининг олий таълим педагогикаси кафедраси муdiri Нурали Сайидҳамедов фикрларига муносабат билдирмоқчи эдим.

Мухбирнинг саволларига Н.Сайидҳамедов атрафиҳа, чуқур, теран жавоб қайтаришга ҳаракат қилган, айрим муаммоларни ажратган, шу муаммолар юзасидан мулоҳаза юритган, ечимларини кўрсатган.

Моҳиятдан педагогика фанининг ижтимоий фан сифатида жамиятиимизда тугган ўрнини аниқлашга қаратилган саволга берилган жавобда, назаримизда, икки муаммо ажратилган: биринчиси — XXI асрга қадим қўйиш арафасида педагогика фани мазмунини қўйишда талаблар миллий мафкура доирасида янада кенгайтириб бораётганлиги бўлса, иккинчиси — "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг мамлакатимизда қабул қилиниши том маънода жамиятиимизни тўлиқ педагогикалаштириш муаммосини ижтимоий буртма сифатида келтириб чиқарганидир.

Н.Сайидҳамедовнинг мулоҳазалари илмда ва саноатда янгилик бўлмасда-да, тўғридир: "Зотан, миллий ғоя, миллий мафкура таълим-тарбия мазмунини сингдирилмас экан, бу жараён ҳеч қанча амалийлик ва таъсирчанлик касб этамайди".

"Маърифат" муҳбирининг "Матбуотда педагогика фанига "миллий" сўзини қўйиш ҳақида ва, ақсична, унга қарши фикрлар билдирилди. Шу босдан сиз "Педагогика фанлари тизими" тўғрисида тўлароқ маълумот берсангиз", деган саволга педагог олимнинг берган жавоби унинг "қарши фикрлар" тарафдор эканлигини билдириб турибди. Бу ўринда у шўро олимлари бўлган академик В.П.Беспалконинг "педагогик тизим" тушуначисини ўзининг фикри сифатида мисол қўйиб келтиради. Бу тизимга кейинги вақтда "ижтимоий педагогика" фан сифатида қўйилган, бундан ташқари, ҳар бир ҳалқнинг урф-одаги, анъаналари, қадриятлари асосида тарбиялаш қонуниятларини тadbirkorlik қилишдан "Халқ педагогикаси" /этнопедагогика/ фани мавжудлигини эслатди. Педагог олим Н.Сайидҳамедовнинг хулосасига эътибор беринг: "Хуллас, педагогика фанлар тизими шундай кўринишга эга. Кўриниб турибдики, сиз эслатган "миллий педагогика" фан сифатида бу тизимга қандай таъсир кўрсатмоқдалар.

зимда учрамайди, ҳақон педагогика жамияти томонидан эътибор этилмайди. Шахсан ўзим педагогика фани дунёвий фан бўлиб қолиши тарафдориман. Унинг мазмунини умуминсоний қадриятлар билан биргаликда миллийлик уфуриб туриши, шубҳасиз, асосий шартлардан бири ҳисобланади".

Бундан мантқ бузилган. Биринчидан, миллий педагогика тушуначиси педагогика тизимида мулоқат йўқ, деган мулоҳазани аниқлаш мумкин; иккинчидан, бу тушуначи "Халқ педагогикаси"гагина мансуб деган маъқул топилаётган экан, олимнинг қуйидаги эътирофи ҳам ўринсиз, қуруқ гап бўлиб қолади: "фан эса жамият раванқида етакчи омил бўлиб, унинг ижтимоий ва-

"XXI АСРДА ПЕДАГОГИКА ФАНИ: МУАММОЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР, ЕЧИМЛАР"

зифаси давлат тузилмасига мос ҳолда ўзгариб боради".

Педагогика фани миллий бўлмас, истаган давлатда яратилган "Педагогика" китобини фойдаланиш мумкин, деган хулосага ҳам ўрин қолдиради. Ўзбекистонда рус тилидан таржима қилинган "Педагогика" дарсликларини бўлган. Н.В.Савинининг "Педагогика" китоби шулар жумласидан, Тошкент: Ўқитувчи, 1975. Унинг 190-бетида қандай бўлиши истаган деган саволга умумлаштирилган жавоб бермас экан, ўзига таниш бўлган кишилар /Чапаев, Олег Кошевой, Юрий Гагарин/нинг номи идеал сифатида айтади". Ўзбекистоннинг XXI аср педагогика фани мазмунини миллий ғоя, миллий мафкура сингдирилган кекраклигини тан олган муаммолардан бири эканлигини таълим тараққиётининг миллий педагогика фанининг таълим-тарбия жараёнига қаратиш керак ва шарт деб ўйлаймиз. Таълимнинг "янги модели" яратилган ва у бугунги кунда "Ислом Каримов модели" номи билан дунёга машҳур бўлган экан, нима учун "миллий педагогика" фанини яратишни XXI аср арафасида қолдириб муаммо деб ажратмаслик керак? Бу ўринда педагог олим Н.Сайидҳамедов тилга олган "Жаҳон педагогика жамияти" ютуқларидан фойдаланиш ҳақида гапириш, лекин ўз педагогика фанимизни янгидан яратишимиз тўғри бўлади.

"Маърифат" муҳбирининг "Авторитар педагогика"нинг яроқсиз томонларини намадан иборат эди, деган саволи ўз сўхбатдошини бугунги кун талаби — сиёсий, ахлоқий, диний, бадиий, фансодий қарашлар ва ғоялар, бир сўз билан айтганда, миллий назаридан тўри рақиб ўтмишига айланган педагогика тизимини таҳлил ва талқин қилишга ундайди. Педагог-олим собиқ совет педагогикасининг яроқсиз жиҳатларини санаб кўрсатади.

Шўро ҳукумати даврида "техник тараққиёт даврида инсоннинг меҳнат фаолияти ўзгариб туради, шу босдан, кенг умумий ва поли-техник таълимни бундай ўзгаришлар асоси сифатида жорий этиш зарурлигига айланган эди. Бугун ҳаётнинг ўзи гувоҳлик бераптики, «техник тараққиёт мумкин қадар юқори касбий маҳорат даражасини тақозо этади» дейишнинг ўзи билан олим дастлабки қарашга қайтади: «фан эса жамият раванқида етакчи омил бўлиб, унинг ижтимоий вафаси давлат тузилмасига мос ҳолда ўзгариб туради». Бугунги кундаги ўзгаришлар тушуначиси хоҳлади. Хоҳланг, ундай тушуниш, хоҳланг бундай!

Шўро даврида педагогика фанлари тизимида "миллий педагогика" бўлмаган экан, шу тизим халиқ билан маъқул топилаётган экан, олимнинг қуйидаги эътирофи ҳам ўринсиз, қуруқ гап бўлиб қолади: "фан эса жамият раванқида етакчи омил бўлиб, унинг ижтимоий ва-

публикамизда педагогика фанининг XXI асрдаги тақдирига бефарқ эмас экан, уни қалбдан ҳис қилиб, халққа холисона хизмат қилиш мақсади билангина қалам тибратса, муаммолар тезроқ ҳал бўлиши мумкин.

Муаллиф "Педагогика фанлар тизими" тўғрисида ўқувчиларга маълумот берган экан, унинг фан сифатида бугунги кунда ўрганилаётган соҳаларини айтиб ўтган холос. Аслида халқ педагогикасига эътибор низоҳат мустикаликка эришганимиздан кейингина амалга ошди. Бунга мисол қилиб "Зараустой — 98" II Халқаро симпозиумини олиш мумкин. Бу симпозиумда иштирок этган Россия ПДАнинг академиги, Халқаро Халқ Педагогика Ассоциациясини Президентини Г.Н.Волков шундай фикрнинг айтиди: "Халқаро симпозиум жаҳон халқ педагогикаси тараққиётини аниқлаш йўналишида олиб бориладиганлиги билан жуда қимматлидир. Ўзбек олимларининг бу ташаббуслари она-Ватанини ва жонжадон халқини нақадар юксак даражада эъзозлаши билан бошқа минтақаларга ибрат бўлиб қолишига шуб-

билдириши лозим топдик.

Таълим соҳасидаги амалга оширилаётган ислохотлар долзарблигини ташқари низоҳатда мураккаб ҳамдир.

Мураккаблиги қуйидагилардан иборат: биринчидан, бугунги умумий ижтимоий шароитлар ва жамиятни қайта қуриш эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда бутун институтлар тизими ва уларнинг шакллари, мазмуни, методлари ни бир бутун ҳолда таҳлил қилиш зарур.

Иккинчидан, ахборотлар асри бўлиши қўйлаётган XXI аср бўса-ғасида таълим тизими мазмуни ва шаклини ижтимоий маданий жиҳатдан ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш даркор.

Учинчидан, ҳанузгина самарали ўзлаштириш чегаралари ва уни ҳаётга тadbirkorlik этиш имкониятлари ҳақидаги саволга илмий асосланган, амалиётда текширган ҳолда ҳеч қим жавоб берганча йўқ. Ана шу ҳолат таълим тизимида педагогик нуқта назардан зарур билимларни танлаш муаммосини юзага келтиради. Бу билимлар хотиранинг ортиқча юки

Aks-sado

ри деб тасаввур қилсак, охириги қўйлаётган натижа барча бўғинларга нисбатан ўз талабини қўйиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, педагогик тизим ва таълим мақсадида йўналтирилган ҳолда ривожланиши учун охириги қўйлаётган натижани аниқлаш ва шунга мувофиқ турли қисмларнинг вазифаларига ўзгартириш киритиш, мақсадлар аниқлавилигига ва ўзаро мувофиқлигига эришиш зарур. Бундан ҳар бир босқич ўзиндан олдинги босқич мақсадини аниқлаши лозим.

Амалиёт олий таълимга, малака ошириш тизимига ўз талабларини қўяди: олий ўқув юртилари ва ишлаб чиқариш талаблари, ўз навбатида болалар боғчаси ҳамда мактабга оила тарбиясининг мақсади билан келиб чиқувчи умумий ўрта ва касб-хўнар таълимнинг мақсадини аниқлаши керак.

Таълимнинг яқиний мақсади ишлаб чиқариш вазифаларини ижодий ҳал қила оладиган, эришилаётган натижалар учун фуқаролик масъулиятини ҳис қила оладиган мутахассисни тарбиялашдир.

Таълим мақсадини рўёбга қаршида қуйидаги қарама-қаршилиқлар мавжуд:

- илмий-техникавий маълумотларнинг ўсиб бориши ва битирувчиларнинг умуммаданий, умумназарий тайёргарлигига бўлган талабларнинг кенгайиши;
- ишлаб чиқариш, технологик жараёнларнинг мураккаб техникавий жиҳозланаётганлиги ва жамият томонидан битирувчининг ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалаларини ижодий ҳал қилишга, амалий тайёргарлигига талабнинг қучайиши;
- юқоридаги каби масалалар ўқитувчиларни мустикай ишлаб чиқариш фаолияти бўйича мутахассис сифатида шакллантириш учун ажратилган вақтни ўзайтириш имконининг йўқлиги.

Шу босдан бўлажак педагогларни, педагогик жараённинг бошқа қатнашчиларини, шунингдек, маъмурий раҳбар ходимларни тайёрлаш самарадорлигини ошириш муаммоси юзага келмоқда.

Педагогик тизим самарадорлигини баҳоловчи асосий мезон битирувчи шахсида кейинги босқичга ўтиш ёки ишлаб чиқаришга бориш сифатларининг шаклланиши даражаси бўлмоғи лозим.

Хуллас, жамиятнинг таълимга бўлган эҳтиёжини, унинг ривожланиш хусусиятларини аниқ тасаввур қилиш, таълим тизимининг асосий мақсадларини тўғри баҳорат қилиш, XXI асрда педагогик таълим қандай бўлиши лозимлигини қўра билишгина, бўлажак мутахассиснинг мукаммал тимсолини яратиш имконини беради.

Ўткир ТОЛИПОВ, Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ўзбекистон билим бошлиги

Яқинда мактабимизда "Тиббиёт соҳасида" номи қўйилган ўқувчилар фаол иштирок этишди. Фойдаларга мактаб раҳбарияти ўз миннатдорчилигини билди-

риб, совгалар топширди. Бундай кўрик-танловларнинг ўтказилиши нафақат ўзимиз учун, балки атраф-муҳит тозаллиги учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Мавжуда БОЛТАЕВА, Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги 24-мактаб ўқувчиси


Фарзандларимизнинг соғлом, руҳан тетик бўлиб ўсишлари учун давлатимиз томонидан берилаётган имтиёз ва шарт-шароитлар етарли даражада бўлмоқда, десак янглишмаймиз. Жум-

ШИФОКОРЛАР МАКТАБДА

ладан, бизнинг мактабда ҳам икки йилдан буён ма-лакали шифокорлар ба-жонидил хизмат кўрсатмоқдалар. Мактабимизда аввалги йилларга нисбатан ўқувчилар орасидаги турли хил юқумли касалликларга қалиниш анча камайган.


«Ma'rifat» ustaxonasi

БАДИЙ КУРСИ (ТАХТ)НИ ЯСАШ



Узунлиги 100 миллиметрли рангли қоғозга, эни 60 миллиметр бўлган шакл чизилди. Буни боғча тарбияланувчилари қалам ёрдамида чизиб, қайчида эҳтиёткорлик билан қирқадилар. Бу шаклларнинг ҳар бирини икки қаватдан қилиб қирқсалар, яхшироқ чиқади. Сўнг уларни бир-бирига қийгазиб қўядилар. Мактабнинг юқори синф ўқувчилари, ўрта махсус касб-хўнар таълими муассасалари талабалари эса юпка тахтадан (10 миллиметрик қалин фанердан) тайёрлаб, бадиий курсини қаттароқ ҳажмида ясайдилар. Улар бу шаклларни фанерга икки қаватдан 20 миллиметрик миҳ билан икки жойидан миҳлаб қўйиб, пармада тешидилар. Лубзик ёрдамида қалдирғоч думи шаклидаги тахтачани қисқич, қалқир ёрдамида ўрнатиб, курси (хонталта) четига маҳкамлайди ва у лубзик билан аррала-нади. Ўтиргич бўлаги икки жойидан тешилиб, сим ёрдамида маҳкамлаб қўйлади. Бундай шаклларни 8-10 дона тайёрлаб, улардан доиравий хонталта ясаша ҳам бўлади.

Тахта, 10 миллиметрик қалин фанердан ясалган буюм деталларининг бадиий ирмоқларига парма, ларгайи, турта-арра ёрдамида ишлов берилади. Иш тугаб, буюм тайёр ҳолга келганда, алоҳида пардоз берилади ва дид билан бўялади.



ЎТИРГИЧЛАР ЯСАШ

Ўтиргичлар боғчада рангли, қалин қоғоздан қайчи ёрдамида тайёрланади. Мактабнинг юқори синф ўқувчилари эса уларни фанерга ишлов бериб, истаган ўлчамда тайёрлаши мумкин.

Суратларда: бадиий курсилар ва ўтиргичлар намуналари. Анвархон АҲМАД Кори ўғли, Олий тоифали меҳнат таълими муаллими

Иқром БҮРИБОЕВ

Эндилда анъанага айланадиган мусобақага илжи бўлса, ҷибу оммавий турлар каторида миллий ўйинларимизни ҳам кийришиб, секин-аста кенгайтириб борсак мақсада мувофиқ бўлур эди.

Рамазон кўшиқлари эл аро ҳамнафаслик тўғрисида тарбиялайди. Одамлар ўртасида бир-бирига ҳурмат, яхши тилак билдириш маданиятини юксалтиради.

УЛКАН
ҒАПАБА

Венгриянинг Миш-кольд шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган каратэ бўйича жаҳон кубоги беллашувлари ниҳоясига етди. Мазкур нуфузли мусобақада қатнашган 18 нафар ўзбек каратэчилари 11 та олтин, 5 та кумуш ва 3 та бронза медалларини қўлга киритдилар.

Йил сайин халқаро майдонда обрў орттириб бораётган ёш каратэчиларимиз кетма-кет медаллар шодасини юртимизга туҳфа этишмоқда. Асримиз охиридаги бу галли мусобақада ҳам улар ўзларига билдирилган ишончни аъло даражада уддалашди.

Ўзбекистон каратэ миллий федерацияси президенти Нурхон Нафосовнинг таъкидлашича, ушбу ғалабалар мамлакатимиз Конституциясининг 8 йиллик тўйига муносиб тўнбандир. Каратэ бўйича мазкур кубок баҳси билан 2000 йилги массувиётли беллашувлар тугади.

Эндилда каратэчиларимиз янги асрни ёруғ юз билан қарши олишиб, 2001 йилда Франция, АҚШ, Греция, Япония ва Малайзия каби давлатларда ўтказиладиган халқаро беллашувларга зўр бериб тайёргарликни бошлайдилар.

"Туркистон-пресс"

ГЎЗАЛЛИККА
ТАШНА ҚАЛБ

Яқинда Ҳамза туманидаги 30-ўрта мактабда ўтказилган "Рақслар гулдастаси" фестивалида мактабнинг энг зукко, нафис, нафосли кизлари кашф қилинди. Фестивалда қатнашган рақоса кизлар ўзларининг донолиги, бетакрор санъатлари, жиљвали рақслари билан йиғилганларни мафтун этишди. Жумладан, 9-синф ўқувчиси Шаҳзода Абдураимованинг "Марварид" кўшиғига сахналаштирган рақси кўпчилик диққатини тортди.

Фестиваль иштирокчилари ва ҳакамлар хайъати бир овоздан Шаҳзодахонни фестивал голиби деб топишди ва туманда ўтказиладиган танловга тавсия қилишди.

Тўхтамон
СУЛТОНОВА,
ўқитувчи



Аввал хабар берганимиздек, Чирчиқ шаҳрида Ўзбекистон таълим ва фан ходимларининг I Республика спартакиадаси ўтказилди. Ушбу мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан ташир буюрган 210 нафар ҳақ таълими ходимлари спортнинг мини-футбол (эркаклар), стол тенниси (эркак, аёл), шашка (эркак, аёл) турлари бўйича баҳслар олиб боришди.

Мусобақа жараёнига назар ташласак, дастлабки кунни меҳмонларни қутиб олиш, I Республика спартакиадасининг тантанали очилиш маросими ҳамда жамоа-

финал ва финал босқичларида бўлди. "Сплав" ва "Кимёгар" спорт клубларида бўлиб ўтган мини футбол мусобақасининг ярим финал босқичида Тошкент вилояти жамоаси андижонликлардан анча устун келишиб, учинчи ўрин соҳиб бўлишди. Финалда пойтахтимиз жамоаси наманганликларни доғда қолдириб, бош совринни қўлга киритишди. Стол тенниси бўйича биринчи ўрин аёллар ўртасида Г.Шаропова (Бухоро), эркаклардан А.Каримжонов (Андижон)ларга насиб этди. Шашкат мусобақасида эса Тошкент шаҳрилик Л.Малинчевадан устун келадигани топилмади. Эркаклар ўртасида эса Тошкент вило-

мўлжаллаганмиз. Кўриб турганимиздек, илк мусобақа кўтаринки руҳда ўтди. Қўтбиддин Абдурахмонов, Андижон вилоятининг жамоа раҳбари:

—Беллашув менда катта таассурот қолдирди. Ҳаттоки, биз кутгандан ҳам зиёда бўлди, десам янгилашган бўламан. Шу ўринда менда бир тақлиф бор. Эндилда анъанага айланадиган мусобақага илжи бўлса, ушбу оммавий турлар каторида миллий ўйинларимизни ҳам кийришиб, секин-аста кенгайтириб борсак мақсада мувофиқ бўлур эди. Спартакиада ниҳоясига голиб жамоаларни тақдир-

ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИНИНГ
ИЛК СПАРТАКИАДАСИ

лар ўртасида саралаш ўйинларига старт берилган бўлса, иккинчи кун барча иштирокчилар ўзларининг ҳақиқий санъатларини намойиш этишди. Бу кунги ўйин олимпиада тарзда ўтказилгани учун ҳар бир жамоа ёхуд яқна иштирокчиларнинг ярим тақдирини ҳал қиларди. Шундай ҳам бўлди. Мусобақада Тошкент шаҳри, Андижон, Фарғона, Бухоро, Наманган, Тошкент вилоятларидан ташир буюрган фан ходимлари ўз рақибларига қарши муносиб ўйин кўрсатиб, нимчорак ва чорак финалга йўл олишди.

Улар юқорида санаб ўтилган спортнинг 4 тури бўйича шунчалик ишонарли ва чиройли ўйинларни намойиш этишдики, бу уларнинг мусобақага катта тайёргарликда келганларидан далолат беради.

Спартакиаданинг энг қизиқари баҳслари ярим

яқиндан келган Р.Қаиров барча рақибларини ўрда қолдириб, биринчи ўринга қўлга киритди. Нихоят, шашка мусобақасида эса З.Сафина (Фарғона), эркаклардан А.Ортиқов (Сирдарё)лар голиб бўлишди.

Биз спартакиада якунида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари Касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси Зоир Қодиров билан суҳбатда бўлдик:

—Ушбу Республика таълим ва фан ходимларининг I спартакиадасининг ташкил этишдан асосий мақсад, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш, андижон ҳаётга таъбиқ этиб, ушбу тармоқда оммалаштиришдан иборатдир. Яна шуни қўшимча қилмоқчиманки, ушбу ўтказилган спартакиадани анъанавий тарзда ҳар йили ўтказишни

лаш маросими ўтказилди. Унга кўра, умумжамоа ҳисоби бўйича Тошкент шаҳри биринчи, Андижон вилояти иккинчи ҳамда фарғоналиклар учинчи ўринларни эгаллашди. Шунингдек, мусобақада энг ёши улду аёл, эркак, олавиый спортчилар сулоласи, энг ёш иштирокчиларга ҳам ҳошим ва ташкилотчилар томонидан қимматбахо, эсдалик совғалари топширилди.

Шундай қилиб, Чирчиқ шаҳрининг "Бўстон" оромгоҳи, "Сплав" ва "Кимёгар" спорт клубларида 21 ёшдан катталар ўртасида ўтказилган таълим ва фан ходимларининг 4 кунлик мусобақаси муваффақиятли тарзда ўз ниҳоясига етди.

БЕҲБУД БОТИРОВ
Суратларда: спартакиадан лавҳалар.
Бурхон РИЗОКУЛОВ
олган суратлар.



ОНА ТИЛИМ

Сен миллатнинг, элнинг мулкисан,
Элим деган дилнинг мулкисан,
Туйғуларнинг чирой, кўркисан,
Она тилим, ягона тилим,
Асл, камёб, дурдона тилим.

Тилим ўзинг фикрим тилмочи,
Сўз донининг тўқи ҳам очи,
Элимнинг буй-баста, қулочи,
Ҳам камтарин, ҳам доно тилим,
Қўҳли, гўзал жонона тилим.

Сўйлар бўлсам овозим ўзинг,
Куйлар бўлсам шўх созим ўзинг,
Ҳам баҳорим, ҳам ёзим ўзинг,
Она тилим, мардона тилим,
Дунё сенга парвона тилим.

Мир Алишер сенда сўзлаган,
Мирзо Бобур сўйиб сизлаган,
Чин фарзандлар кўзин узмаган,
Она тилим, о, она тилим,
Асл, камёб, дурдона тилим.

Барот ЯРАШ

Ko'ngil bitiklari

ЎҚИТУВЧИМ

Мен дунёга илму фанни, ўрганмоқ-чун келганман,
Устоз сизнинг мадҳингизни куйламоқ-чун келганман.
Ўқитувчим, номингизни газал, шеърга солурман,
Насиб этса, ўзингизнинг издошингиз бўлурман.

Билим олмақ ҳамда билим бермоқ йўлин танладим,
Шогирд бўлиб ортингиздан бормоқ йўлин танладим.
Мен дунёда сиздан илк бор таълим олдим,

Ўргандим,
Минг ташаккур айтиб энди, пок қалбингиз
англадим.

Ўқитувчим, сиз туфайли минглаб олим дунёда,
Ўзингиздир сабаб мен ҳам муаллимман дунёда.
Қанча мактаб хизматингиз, таъриф этсам оз бўлур,
Шаънингизни улугласам кўнглим қувончга тўлур.

Дилфуза МУРОДОВА,
Чирокчи туманидаги 4-ўрта мактабнинг бошланғич
синф ўқитувчиси

РАМАЗОН ҚЎШИҚЛАРИ

Бошқа жойларда қандай билмадим-у, аммо Тошкентда Рамазон кўшиқлари қашшоқлашиб боряпти. Авваамбор, Рамазон айтувчи болаларнинг ўзи кам. Айтганлари эса жуда қисқа ва пул сўрашдан нарига ўтмайди:

Рамазон айтиб келдик эшингизга,
Кўчқордай ўғил берсин бешигингизга.

Тамом. Шу билан "ўчоқда кул, ҳамёнда пул, чиқара қолинг ўн сўм пул!" Ҳатто баъзан "юз сўм пул" дейилади ва эшик кетма-кет тақилағтилади.

Афтидан, Рамазон кўшиқларини катталар ҳам болаларга ўргатишмайди шекилли. Ҳолбуки, Рамазон кўшиқларининг аҳамияти жуда катта. Кичкинтойларнинг дидини ўстиради, сўзга эпчил, жумла қуришга моҳир қилади, руҳини бойлатади. Ифтор қилиб, оғиз очилгандан сўнг болаларнинг оқшом қоронғусида турунлашиб кўшиқ айтиб, баъзи садрларни ўзи тўкиб, остоналарни янграйиб юришлари поэзиядан ҳоли эмас. Рамазон кўшиқлари эл аро ҳамнафаслик тўғрисида тарбиялайди. Одамлар ўртасида бир-бирига ҳурмат, яхши тилак билдириш маданиятини юксалтиради. Шунинг учун, менимча, ҳар бир ота ва она ўз кичкинтой ўғил-қизларига эстетик балад руҳли Рамазон кўшиқларини ўргатиши, йўлайлақ кўшиқ тўқиш иқтидорини йўитиши керак.

Биз болалиқда айтган Рамазон кўшиқлари анча-мунча чиройли эди. Улардан хотирамнинг алақайиси бурчаклариде сақлаиб қолган айрим парчаларини тикашга уриндим ва бирон фойдаси бўлар, деган умид билан

уларни сизга ҳавола қилаёяман.

Тажминимча, бундай бошланарди:

Ой, ойи, рўза ойи!
Рамазон келди, билдингизми?
Эшикка чирок идингизми?
Ифторга шайбак қилдингизми?
Шундан кейин кўшиқ бундай давом этарди:

Ассалому алайкум, бизлар келдик,
Пайғамбар йўлини излаб келдик.
Рамазон айтиб келдик эшингизга,
Кўчқордай ўғил берсин бешигингизга.

Рамазон айтган билан тўямизми?
Бурунлар қаъдасини қўямизми?
Кўкимиз буржида ой кўрдик,
Ҳаммадан сизни бой кўрдик.
Уйингиз туйнугидан тутун чиқар,
Бизларга бир патир бутун чиқар.
Рамазон, Рамазон, моҳи Рамазон,
Ойларнинг ичиде шоҳи, Рамазон!
Ўттиз кун рўза меҳмондир,
Ким уни тўтса бой инсондир,
Баракот еттилар уйингизга,
Биз меҳмон бўламиз тўйингизга.

Ўчоқда кул,
Кармонда пул,
Чиқара қолинг бир сўм пул!
Биз ҳеч қачон катта пул сўрамасдик.

Ёки бундай айттардик:
Оқ танга, кўк танга,
Чиқара қолинг, жон янга!
Кўпича ичкаридан: "Айтинлар! Яна айтинлар!" деган овоз чиқар эди, шунда биз Рамазон кўшиғини биримиз қўйиб, биримиз олиб шундай давом эттирдик:

Чамалаб келдик биз эшингизни,
Тўлганой тўлатсин бешигингизни.
Парилар супурсин ҳовлингизни,
Хурийлар овласин кўнлингизни.
Рамазон, Рамазон, моҳи Рамазон,

Ойларнинг ичиде шоҳи, Рамазон!
Оқ танга, кўк танга,
Чиқара қолинг, жон янга!
Агар ичкаридан яна "Айтинлар! Яна айтинлар!" деган овоз чиқса,
Рамазонни яна давом эттириб кетардик:

Бир бола: —Амаки, амаки, имон-бой бўлинг,
Уйингиз кут бўлсин — тўлин сой бўлинг! — деса,
Иккинчи бола: — Холажон, холажон! Кам бўлманг!
Ҳеч маҳал сўнучи шам бўлманг!
Эшитгиз ҳар маҳал чароғон бўлсин!

Қазноғиз ҳар маҳал кон бўлсин! — дерди.
Учинчи бола: — Тилингиз ёр бўлсин Оллоҳга,
чўнтағиз лим тўлсин тилога! — дер,
тўртинчи бола: — Қанот берган худойим,

Янгам ойдек мулойим,
Сиз тараф аёл бўлиб едик биз,
Рамазон айтиб келдик биз, — дерди.
Сўнг баравар нақоратни такрорлардик:

Рамазон, Рамазон, моҳи Рамазон,
Ойларнинг ичиде шоҳи Рамазон.
Кейин "Ўчоқда кул, ҳамёнда пул"-ни такрорлардик. Уй эгаси бирон нарса эҳсонми, пулими берганда, шундай кўшиқ айтиб кетардик:
Ойни кўрдик,
Омон кўрдик.
Уйингизда имон кўрдик.
Ойни кўрдик,
Ой бўлдики.
Ҳаммамиз ҳам Бой бўдик.

Миразиз АЪЗАМ

РОСТЎЙ СУТФУРУШ

Бир сутфуруш ҳар кун икки кўзани тўлатиб мактаб ошхонасига сут олиб келар эди. Аммо бутун у кўзалар сув билан тўлдирилган эди. Идишларнинг озини очиб кўрган ошпаз таъжубланиб:

—Ие, бу сув-ку, — деди!
Сутфуруш қизариб кетиб, сир очилгандан таассуфланиб,
—Уэр, жуда ҳижолатдаман, сувга бутун сут қўшиш ёдимдан кўтарилибди, —деб қўя қолди.

ЗУККО БОЛА

Чекка бир қишлоқда жойлашган мактаб ўқувчилари шаҳарга саёҳат уюштиришибди. Шаҳар бозорига тушиб, қандалот дўқони ёнидан ўтаётганда турли хил ширинликларнинг пештахталарга чиройли қилиб териб қўйилганлигини ва сотувчининг ўша ерда индамасдан ўтиганини кўрган бир шўх бола югуриб ўша томонга борибди. У шу пайт иккала кўлини сотувчининг кўзига найза қилибди. Жаҳди чиққан сотувчи:

—Нимага бундай қиласан, —деди ўшқирибди.
—Уэр хоним, лекин мен сизни кўр ва кўрмапшти деб ўйлабман, —дебди бола.

Xandalar

—Мана бу кўз бўлмай нима, —деди ўз кўзларини кўрсатибди сотувчи.
Шунда бола бепарвогина:
—Агар сиз кўр бўлмасангиз нимага ширинликлардан еб ўтирмайсиз, —дебди.

ФУРСАТ

Кеча дарста келмаган ўқувчисини мактаб ошхонасиде кўриб қолган синф раҳбари шу ердаёқ уни ўтқазиб, тан-бех бера бошлади. Шунда ошпаз:
—Сизларга бирон нарса керакми? —деди мурожаат қилиб қолди. Ўқитувчи:
—Илтимос бизга суҳбатимиз тугагунча озрок фурсат беринг, —деди.
Ошпаз ҳам ўйланиб турди-да:
—Фурсатимиз бор эди, аммо тушлиқда ҳаммасини ўқувчиларга тарқатиб қўйган эдик, бошқа нарса буорасизми? —деди қаққонлик билан.

Форсчадан Н. ЭРХОНОВА
таржимаси

“XXI АСРГА ОИТСсиз”

Тошкент Давлат юридик институтининг "Маънавият ва маърифат" бўлими "Қамолот" жамоатчилик маркази билан ҳамкорликда "XXI асрга ОИТСсиз" мавзуда илмий-амалий анжуман ўтказди.

Маънавий-маърифий ишлар бўйича ректор муовини Даврон Аҳмедов юртимизда ёшларнинг ўқиш, билим олишлари учун зарурий шароитлар яратиб берилганига қарамадан, айрим талабаларнинг тескари йўлга қараб кетаётганлигини афсус билан таъкидлади ҳамда уларни бедаво дарда қарши олиштиришга чақирди.

Тошкент шаҳар ОИТС маркази бош враччи Собир Усмонов ўз сўзи аввалида гиёҳвандлик тўғрисида умумий тушунча бериб, у туфайли келиб чиқадиган оғир касалликнинг инсон учун гојтада оғир оқибатлар келтириб чиқариши муқаррарлигини, унга қарши дори-дармон, вакцина дунёда ҳалигача яратилмаганини мисоллар билан исботлади. Ўзбекистон давлати ва БМТнинг ОИТС бўйича "Гиёҳвандлар орасида ОИТСни ва жинсий йўл билан юқувчи касалликларнинг тарқалиб кетишини камайитириш лойиҳаси" раҳбари Булат Қумаев ҳамда мазкур лойиҳа бўйича маслаҳатчи Шоносир Шоваҳобовлар билан ҳам талабаларнинг эркин мулоқоти бўлди.

Акрамжон ХўЖАМОВ,
талаба

Нью-Йорк шаҳрининг маркази — Рокфеллер майдониде баландлиги 13 метрга етадиган галати кучук боласининг ҳайкали қад ростлади. Тўғрироғи, ҳайкалтарош Жефф Кунс ҳайкални ўз кўллари билан ўстириб-ундирди. Ҳа, айнан ўстирди, чунки у парваришланган атиргуллардан шакл берилган кучук ҳайкалликдир.

Аслини олганда, Нью-Йоркнинг юраги бўлган Рокфеллер майдонига ортиқча безакнинг кераги йўқ. Чунки осмонўпар ойнаванд бинолар, доимо сокин ва озода айвонли ўриндиқлар ҳаммиша сайёҳларни, қолаверса, ишдан хориган Нью-йоркликларни ҳам ўзига тортади. Бу ерда яна нимадир етишмаяпти, деган фикрни илгари сурган ҳайкалтарошга кўпчилик ҳайратланиб қараган эди. Лекин у ўзининг ўша етишмаяпти, деган ян-

ҒАРОЙИБ
ҲАЙКАЛ

гиллиги — яъни атиргул буталари парваришидан шакл берилган кучуқчасини майдонда етиштириганида унга тани беришди. Ҳақиқатан ҳам мана шу кучуқча бу майдонга етишмаётган экан, деган фикрга ҳам келишди.

Бу ҳайкал мураккаб тузилишга эга. Оғирлиги нақ 150 тонна келади. Унинг ичиде махсус скелети бор. Бу скелет гулларни озуқа ҳамда сув билан таъминлаб турувчи мослама вазифасини бажаради. Маълум бўлишича, ҳайкалда 60-70 минг атрофида гул тути бор. Улар жами 25 тонна оғирликдаги тупроққа ўтказилган.

Ушбу ҳайкалнинг ижодкори Жефф Кунс ҳаммиша оддийликни замонавийлик билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилади. Энг сунгги йирки ижодидан бири бўлган мана шу кучуқ ҳайкалини ҳам у бир неча мамлакатларга "саёҳат" қилдирган, дейиш мумкин. Масалан, кучуқнинг "туғилган" ватани Германиядир. Чунки 1992 йилда у биринчи марта шу ерда кўргазмага қўйилган эди. 1996 йилда эса Австралия ахлини лол қолдириб, сал кейинроқ Испанияга йўл ол-

Ajib dunyo

ган. Нью-Йоркда эса унинг хурматини жуда жойига қўйишгани боис, мамлакатнинг расмий марказига — Рокфеллер майдонига жойлаштиришган.

Гуллардан ясалган бу — 13 метрлик ўзига хос асарга ҳар хил муносабатлар билдирилмоқда. Кимлардир 150 тонналик бу матоҳ турган-битгани сарф-ҳаражат деса, кимлардир уни нодир санъат намунаси даражасига кўтарган. Ҳар ҳолда бу-гунги аср одамларини анча-мунча нарса билан лол қолдириш мушкул бўлгани ҳолда, гуллардан ясалган бу ҳайкалнинг ёнидан одам аримаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. 60-70 минг тул гулли 13 метр баландликдаги кучуқ шаклида ундиришининг ўзи бўлмайди, ахир.

Ш.МАДРАҲИМОВА
тайёрлади.

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, шаҳар таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмалари қўмитаси жамоалари Бош бошқарма бошлигининг уринбосари Н.Рўзкулова падали бузрукворлари

Орзукул отанинг
вафот этганликлари муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади.

Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлими ва касабаси уюшмаси қўмитаси, тумандаги 254-мактаб илмий бўлими мудири
Ғулмомазир ЖўРАЕВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг яқинларига таъзия изхор қилади.

Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлими 45-мактабнинг математика ўқитувчиси, 157-мактаб илмий бўлими мудири
Ғулмомазир ЖўРАЕВнинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изхор этади.

Тошкент радиотехника, автоматика касб-хунар коллежи маъмурияти, касабаси уюшмаси жамоаси ўқув ишлари бўлими директор уринбосари Маърифат Мусаевага падали бузруквори

Муҳаммаджон БОБОЕВнинг
вафот этганликлари сабабли таъзия изхор этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИОНЕРЛИК - ТИЖОРАТ "ГАЛЛАБАНК"И

Азиз юртдошлар!

Сизларни мустақил давлатимизнинг бош қонуни — Конституциямизнинг қабул қилинганлигининг 8 йиллик байрами ҳамда янги аср бошланиши билан чин қалбимиздан муборакбод этамиз. Янги асримизда хонадонингиз доимо обод, дастурхонингиз тўкин бўлсин.

Янги аср арафасида банкимиз томонидан "Аср мезони" қисқа муддатли янги омонат тури эълон қилинган. Унда фоиз қўшимчасини ойига 6,5, яъни йилига 78 фоизли жадвал бўйича ҳисоблаб, қўшилган даромад суммаси бир ойдан сўнг бир йўла омонат суммаси билан берилиши кафолатланади. Омонатнинг энг оз миқдори 10000 сўм бўлиб, нақд пул орқали жамғармачилардан ҳамда маблағ қўювчидан 2000 йилнинг 1 декабрдан 20 декабргача бўлган муддатларда (бир ой муддатда сақлаш учун шартнома билан) қабул қилинади.

"Соғлом авлод йили"да жорий қилинган қўйидаги мақсадли ва муддатли омонат турини тақлиф қилишдан мамнунмиз. Сиз фарзандингиз номига қўйидагича жамғарма қўйишингиз мумкин:

- 1 ойдан 7 ёшгача бўлган болалар учун — "7 x 25" омонат тури;
 - 1 ёшгача бўлган фарзандингиз номига 8000 сўм қўйсангиз, банк томонидан яна 25 фоиз қўшилиб, 10000 сўмлик омонат дафтарчасини оласиз ва фарзандингиз етти ёшга тўлганда унинг ҳисобида 32000 сўм маблағ тўпланади.
 - 1 ёшдан 2 ёшгача бўлган фарзандингиз номига 16000 сўм қўйсангиз, банк томонидан яна 25 фоиз қўшилиб, 20000 сўмлик омонат дафтарчасини оласиз ва фарзандингиз етти ёшга тўлганда, унинг ҳисобида 55200 сўм маблағ тўпланади.
- Шу тариха 6 ёшгача бўлган болалар учун омонат қабул қилинади.

Банкнинг навбатдаги VI эмиссия акцияларига ҳам обуна қизгин давом этмоқда! Омонатларнинг шартлари ва бошқа Сизни қизиқтирган саволлар бўйича қўшимча маълумотлар билан "Галлабанк"нинг барча вилоятлардаги мавжуд филиал ва бўлимларида ҳамда уларнинг омонат кассаларида танишиш имкониятига эгасиз.

"ГАЛЛАБАНК"



"GALLABANK"

Бўш маблағларингизни фарзандларингиз истиқболи учун қўнай-тириш имкониятидан фойдаланинг!

Бундан ташқари яна барча фуқаролар учун мўлжалланган:

КАПИТАЛ - III 1 йиллик омонат тури, йиллик 42 фоиз миқдорда даромад тўланади ва ҳар 3 ойда қўшилган фоиз даро-

мадини;

КАПИТАЛ - II 2 йиллик омонат тури, йиллик 52 фоиз миқдорида даромад тўланади ва ҳар 6 ойда қўшилган фоиз даромадини;

КАПИТАЛ - I 3 йиллик омонат тури, йиллик 60 фоиз миқдорида даромад тўланади ва ҳар йилда қўшилган фоиз даромадини бериб борилиши кафолатланган муддатли омонат турлари жорий этилганлигини ва унга жамғармалар қабул қилинаётганлигини маълум қиламиз. Шу билан бирга:

- 3 ойлик — йилиги 40 фоиз миқдорида даромад тўланувчи;
- 6 ойлик — йилига 42 фоиз миқдорида даромад тўланувчи ва фоизлари ҳар 3 ойда;
- 9 ойлик — йилига 42,6 фоиз миқдорида даромад тўланувчи ва фоизлари ҳар 3 ойда;
- 1 йиллик — 40 фоиз миқдорида даромад тўланувчи ва фоизлари ҳар ойда берилувчи муддатли омонат турларига жамғармалар қабул қилинмоқда.

Манзилимиз:

700060, Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси, 36.

Телефон: (3712) 133-71-72, 136-38-29, 56-22-65

ЖАМҒАРМАНГИЗ ФАРОВОН ҲАЁТИНГИЗГА НАСИБ ЭТСИН!

"БЕШ" БАҲО ЮҚОРИМИ ЁКИ "БИР"?

Баҳо қўйишининг балли тизими дастлаб Германия мактабларида пайдо бўлган. Шундан сўнг бу усул бошқа мамлакат мактабларида ҳам расм бўла бошлади.

Даставвал, баҳолаш тизими уч балдан иборат бўлиб, 1837 йилдан эътиборан Россияда расман муомалага кирган. Бирок XIX аср охирида баҳосиз таълим муҳокама қилинди. 1918 йилда балли тизим бекор қилинди. Синфдан синфга ўтказиш, гувоҳнома-лар беришда педагоглар тавсияларига асослангани.

1935 йили ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини белгилаш учун қўйидаги беш балли тизим жорий қилинди: аъло, яхши, ўрта, ёмон ва жуда ёмон. 1944 йили эса мактабларда сўз билан ифодаланган баҳо балларини рақамлар билан ифодалашга ўтилди.


Кўп балли баҳолаш тизими айрим мамлакатларда учрайди. Жумладан, Италияда 11, Нидерландияда 10 балли тизимдан фойдаланилади. Францияда эса оддий мактабларда олинган имтиҳонларда 11 (0 дан 10 гача), ўрта мактабларда 20 балли тизим қўлланади.

МАКТАБДА ШАХМАТ ДАРСИ

Германиянинг Штрэнбак деган кишлоғидаги мактабларда шахмат дarsi ўтилади. Бунга кишлоқ аҳолисининг ёппасига шахмат ўйинига қизиқиши сабаб бўлди. Штрэнбакликлар ҳатто уй деворларини шахмат доналари шакли билан безаганлар. Кишлоқда вақти-вақти билан шахмат байрами ва мусобақалар уюштирилади. Бундай тантана кунларида одамлар шахмат доналари тасвирланган либослар кийиб юришади. Албатта, жонли "дона"лар билан шахмат ўйнаш одати тарқатилмайди.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

MUAMMONOMA-KROSSVORD



Aziz mushtariy! Avvalo quyida ta'rifi bilan raqamlarda ifodalangan so'zlarni topib ochiqchini hal eting. 1. O'zbekiston Respublikasining davlat madhiyasidan: Serquyosh, hur o'lkam, 23, 20, 15, 6 baxt-najot, Sen o'zing do'stlarga yo'ldosh, mehribon!

2. Davlat ramzlaridan biri — 7, 6, 10, 16, 2, 18.

3. Mamlakatning doimiy aholisi vakili — 21, 17, 8, 6, 4, 5.

4. Bosh qomusimizning 31-moddasidan: "Hamma uchun 19, 2, 22, 10, 5, 1 erkinligi kafolatlanadi".

5. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi'ning 26-qismining har biri — 3, 5, 3.

6. Bosh qomusimizda qayd etilgan tarbiya, axloq-odob masalalari majmui — 9, 6, 11, 20, 2, 7.

7. Bosh g'oya, masalani ifodalovchi chaqiriq — 24, 2, 5, 4.

8. Davr, davron — 12, 6, 7, 5, 1. Endi shakldagi raqamlarni ochiqch so'zlari asosida taalluqli harflar bilan almashtirib muammonomani yeching. Undan yurtboshimizning ibratli so'zlarini bilib olishga muvaffaq bo'lasiz.

AYLANMA KROSSVORD
Shaklda belgilangan xonadan raqam atrofiga soat mili yo'nalishida:

1. Konstitutsiyamizda har bir fuqaroning olishi kafolatlangan ma'lumotlar majmui, o'qimishlik. 2. Tashkilot, muassasa, davlat o'rtasida ma'lum maqsadni ko'zlab tutadigan hujjat. 3. Viloyat yoki shaharning ma'muriy-hududiy bo'linmasi. 4. Ona yurt, diyor. 5. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi tomonidan qabul qilinadigan, barcha uchun ado etilishi majburiy bo'lgan hujjat. 6. Ma'lum bir soha qonun-qoidalari bayon etilgan manba. 7. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi bo'limi nomidan "... va fuqarolarning asosiy huquqlari, erkinliklari va burchlari". 8. Davlat mukofotlari ramzi. 9. Vatanga, yurtga, kasbga sidqidildan berilganlik. 10. Davlat hokimiyati tomonidan belgilanadigan va qo'riqlanadigan kishilar munosabatlari tartibga soluvchi qonun-qoidalar majmui. 11. Mamlakat Konstitutsiyasining yana bir atamasi. 12. Ona diyorumiz konstitutsiyasida belgilangan huquqlarimizdan his etiladigan tuyg'u, faxr. 13. Davlatimiz Prezidenti tomonidan tayinlanadigan ma'lum bir sohani boshqaruvchi lavozim. 14. Faoliyatda erishilgan yutuq, muvaffaqiyat. 15. Davlatning huquq-tartibot muassasasi. 16. Ba'zi tashkilotlarda saylab qo'yiladigan rahbar xodim. 17. Har jihatdan to'kislik, yetuklikka erishganlik. 18. Amalda qo'llanila boshlangan o'zbek alifbosi.

Foziljon ORIPOV tuzdi.

Gazetamizning shu yil 25 noyabr sonida berilgan «Hayvonot dunyosi» krossvordining javoblari:

Belgilangan xonadan raqam atrofiga soat mili yo'nalishida: 1. Parranda. 2. Baliq. 3. To'qima. 4. Burqa. 5. Molyuska. 6. Zamburug'. 7. Kislorod. 8. Qurbaqa. 9. O'simlik. 10. Bezgak. 11. Xonaki. 12. Isayev. 13. Sichqon. 14. Asalari. 15. Organik. 16. Qoramol. 17. Hashorot. 18. Tuproq. 19. Zaxkash. 20. Tuyg'u. 21. Spora. 22. Hujayra. 23. Parazit. 24. Yovvoyi. 25. Zohidov. 26. Xomashyo. 27. Tuksimon. 28. Hayvon. 29.

Timsoh. 30. Musicha. 31. Xivchin. 32. Kiprik.

CHAYNVORD

33. Klassifikatsiya. 34. Alimuhamedov. 35. Vitamin. 36. Nerv. 37. Vodiya. 38. Yirtqich. 39. Chuvalchang. 40. Go'sht. 41. Turkum. 42. Mikroorganizm. 43. Mikroskop. 44. Pat. 45. Tuya. 46. Asal. 47. Limfa. 48. Arastu. 49. Uglevod. 50. Darwin. 51. Nahang. 52. Gajak.

Rўyxatdan o'tish tartibi № 20. INDEKS: 149, 150, G-1117. Tirajini 18.686. G. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ, офсет усулида босилган, қороз бичимв А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Босма хона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Боснига топширини вақти — 20.00.
Топшириди — 20.00.

Ma'rifa!

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Ҳақ таълими вазирилик, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОВЕВ, Шукур ЖОНБОВЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Хулқар ТҮЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Ma'rifa!»дан материалларни кўчириб босиш тахририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-54-23.

Газетани IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОВЕВ, Жамшид САҲИДИНОВ.